

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

42-сон
(854)
2018 йил
22 октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

823. «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 15 октябрдаги ЎРҚ–498-сон Қонуни
824. «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 15 октябрдаги ЎРҚ–499-сон Қонуни
825. «Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 октябрдаги ЎРҚ–500-сон Қонуни
826. «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 октябрдаги ЎРҚ–501-сон Қонуни
827. ««Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси

Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 октябрдаги ЎРҚ–502-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

828. «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 октябрдаги ПФ–5553-сон Фармони
829. «Тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 октябрдаги ПҚ–3970-сон қарори
830. «Ўзбекистон Республикасида тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 октябрдаги ПҚ–3973-сон қарори
831. «Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат яратиш занжирини ривожлантириш» лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 октябрдаги ПҚ–3974-сон қарори
832. «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 октябрдаги ПҚ–3975-сон қарори
833. «Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 октябрдаги ПҚ–3978-сон қарори

Учинчи бўлим

834. «Электрон тижоратни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 октябрдаги 825-сон қарори

Бешинчи бўлим

835. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 8 сентябрдаги 29/3-сон «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 773-37*)
836. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 6 октябр-

даги 276-сон «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари сақланадиган хоналарнинг муҳандислик-техник жиҳатдан мустаҳкамлиги ҳамда қўриқлаш-ёнгиндан сақлаш сигнализацияси воситалари билан жиҳозланишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2700-1*)

837. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 6 октябрдаги 277-сон «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журналларини юритиш тартибига қўйиладиган ягона талабларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2702-1*)

838. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 15 октябрдаги 8, 43-сон «Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2020-3*)

839. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 17 сентябрдаги 10/ққ, 7-мх, 23-2018-сон «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2011-3*)

840. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2018 йил 2 октябрдаги 123-н-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиакорхоналаридаги ўқув юрларини сертификатлаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1881-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 13 октябрдан 19 октябргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

823 Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 21 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда
маъқулланган

1-модда. 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда; 1994 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3-4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 162-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 100-модда, № 12/1, 343-модда; 2014 йил, № 4, 85-модда; 2017 йил, № 4, 135-модда, № 5, 201-модда, № 8, 383-модда) **105-моддасининг биринчи қисмидаги** «икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини» деган сўзлар «раисни (оқсоқолни)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**»ги 915–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–350-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **21-модданинг:**

бешинчи қисмидаги «ва уларнинг маслаҳатчилари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 октябрда эълон қилинган.

олтинчи қисмидаги «ва маҳаллалардаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **23-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23-модда. Фуқаролар йиғинининг раисини (оқсоқолини) сайлаш

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) уч йил муддатга сайланади.

Фуқаролар йиғинининг раисини (оқсоқолини) сайлаш тартиби қонунда белгиланади».

3-модда. Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) навбатдаги сайлови 2019 йил май ойида ўтказилсин.

Фуқаролар йиғинлари амалдаги раисларининг (оқсоқолларининг) ва улар маслаҳатчиларининг ваколатлари муддати 2019 йил май ойида фуқаролар йиғинларининг янги раислари (оқсоқоллари) сайлангунига қадар узайтирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 октябрь,
ЎРҚ-498-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

824 Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 21 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги, овуллардаги маҳалла фуқаролар йиғини (бундан буён матнда фуқаролар йиғини деб юритилади) раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида иштирок этиш ҳуқуқи

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) иштирок этиши ихтиёрий ва эркиндир. Фуқароларни сайловда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш мақсадида уларга таъсир кўрсатишга, шунингдек уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлаш ҳуқуқига сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек шаҳардаги, шаҳарчадаги, қишлоқдаги, овулдаги маҳалла ҳудудида (бундан буён матнда тегишли ҳудуд деб юритилади) доимий яшовчи фуқаролар эга бўлади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида иштирок этиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида фуқароларнинг иштирок

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 16 октябрда эълон қилинган.

этиш ҳуқуқларини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

4-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий принциплари

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш ошкоралик, муқобиллик ҳамда тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида амалга оширилади.

5-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказишда ошкоралик

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш очик ҳамда ошкора амалга оширилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар воқиф этилади, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар ҳақида, овоз бериш яқунлари тўғрисида хабардор қилинади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш, фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ўтказиладиган сана, вақт ва жой, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар тўғрисидаги ахборот Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларнинг расмий веб-сайтларига сайлов ўтказилишидан камида беш кун олдин жойлаштирилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш жараёни оммавий ахборот воситалари томонидан ёритиб борилади.

6-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловининг муқобиллик асосида ўтказилиши

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига икки ва ундан кўп номзод кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

7-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказишда тенг сайлов ҳуқуқи

Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлашда фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлашда фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) ҳар бир иштирокчиси бир овозга эга бўлади.

8-модда. Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлаш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) фуқаролар йиғини томонидан,

фуқаролар йиғинини чақириш имкони бўлмаган тақдирда эса, фуқаролар вакилларининг йиғилиши томонидан уч йилга сайланади.

9-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказишда давлат органлари фуқаролар йиғинларига кўмаклашади, зарур ҳолларда эса уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаши шарт.

2-боб. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш

10-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш муддатларини белгилаш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш муддатлари сайлов бошланишидан камида икки ой олдин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловига тайёргарлик тадбирларини ўтказиш муддатлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади.

11-модда. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссияси

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссияси (бундан буён матнда Республика комиссияси деб юритилади) унинг таркибига Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши вакиллари албатта киритилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан тузилади.

Республика комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, давлат органларининг, нодавлат ноtijорат ташкилотларининг, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари киритилиши мумкин.

Республика комиссиясининг ваколатлари жумласига қуйидагилар киради: фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари (бундан буён матнда комиссиялар деб юритилади) фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

комиссияларнинг сайловни самарали ўтказиш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар билан таъминланишини ташкил этиш;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини ташкил этиш;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

сайлов яқунлари тўғрисида тегишли комиссиялар томонидан тақдим этилган ахборотни умумлаштириш ва кўриб чиқиш, бу ахборотни кенг жамоатчилик эътиборига етказиш.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг ижро аппарати Республика комиссиясининг ишчи органидир.

12-модда. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни тузиш

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳудудида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари тузилади.

Комиссиялар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашининг қарори билан тузилади. Комиссиялар фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) навбатдаги сайлови эълон қилинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

Комиссиялар таркибига, коида тарикасида, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари, фуқаролар йиғинларининг, давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари киритилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар комиссияга аъзо шахслар ёхуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар комиссия таркибидан чиқарилади.

Тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларининг ижро аппаратлари комиссияларнинг ишчи органларидир.

13-модда. Комиссияларнинг ваколатлари

Комиссиялар ўз ваколатлари доирасида:

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлайди;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларнинг (бундан буён матнда ишчи гуруҳ деб юритилади) фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этади;

ховлилар, уйлар, кўчалардан фуқароларнинг вакиллик нормасини белгилайди;

ишчи гуруҳлардан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) лавозимига номзодларга доир ҳужжатларни кейинчалик тегишли туманлар, шаҳарлар ҳокимлари билан келишиш учун қабул қилиб олади;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига доир ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлайди, бундан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланадиган сайлов бюллетенларининг намуналари мустасно;

ишчи гуруҳларнинг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар бўйича ахборотини эшитади;

тегишли ҳудудда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови яқунларини чиқаради ҳамда Республика комиссиясига ахборот тақдим этади;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг архивга ёки идоравий архивга топширилишини таъминлайди.

14-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш учун фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан ишчи гуруҳ тузилади. Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) навбатдаги сайлови эълон қилинганидан кейин ишчи гуруҳ ўз фаолиятини тугатади.

Ишчи гуруҳ таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг депутати киритилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини органларининг бошқа ходимлари, шунингдек фуқаролар йиғини раиси

(оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг, фуқаролар йиғини органлари бошқа ходимларининг яқин қариндошлари ишчи гуруҳ таркибига киритилиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар ишчи гуруҳга аъзо шахслар ёхуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар ишчи гуруҳ таркибидан чиқарилади.

15-модда. Ишчи гуруҳнинг ваколатлари

Ишчи гуруҳ:

фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилайди ҳамда уни ўтказишдан камида беш кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади;

ховлилар, уйлар, кўчалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларини ташкил этади ва ўтказади;

ховлилар, уйлар, кўчалар аҳолиси умумий йиғилишининг иштирокчиларини рўйхатга олади ҳамда фуқароларнинг сайланган вакиллари ҳақидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда аҳолининг умумий йиғилиши баённомасини тузади;

тегишли комиссияга тақдим этиш учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар бўйича таклифларни тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикрини инobatга олган ҳолда тайёрлайди;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради;

фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) такрорий сайлови, шунингдек бўшаб қолган ўринларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови ўтказилишини ташкил этади;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича фуқароларнинг муружаатларини кўриб чиқади.

3-боб. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар кўрсатиш тартиби

16-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар кўрсатиш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инobatга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

Ишчи гуруҳ фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларга доир ҳужжатларни тайёрлайди ва туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли комиссияга сайловдан камида ўн кун олдин тақдим этади. Ҳужжатларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг ўз номзоди кўрсатилишига ёзма розилиги илова қилинади.

Туман ёки шаҳар ҳокими фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига тақдим этилган номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади ва ўзининг

ушбу номзодлар бўйича асослантирилган хулосаларини кейинчалик ишчи гуруҳларга топшириш учун тегишли комиссияларга юборди.

Ишчи гуруҳ туман ёки шаҳар ҳокимининг хулосасини олганидан кейин фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига келишилган номзодлар ҳақидаги ахборотни сайловдан камида беш кун олдин фуқаролар йиғини биносига ва гузарларга осиб қўяди.

17-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларга қўйиладиган талаблар

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотга эга бўлиши, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар, шунингдек суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

4-боб. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш тартиби

18-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш учун фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) чақириш

Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда чақирилади ва ўтказилади.

Фуқаролар вакилларининг йиғилишига ховлилар, уйлар, кўчалардан фуқароларнинг вакиллари юборилади.

Ташкилотчилик қобилятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган фуқаролар, қоида тариқасида, фуқароларнинг вакиллари бўлиши мумкин.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар фуқаролар вакиллари ёхуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар фуқаролар вакиллари таркибидан чиқарилади.

Вакиллик нормасини тегишли комиссия белгилайди. Бунда фуқаролар вакилларининг сони сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар умумий сонининг камида ўн икки фоизини ташкил этиши керак.

19-модда. Фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) ўтказиш тартиби

Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ишчи гуруҳининг раҳбари раислигида ўтказилади.

Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) кун тартибига, қоида тариқасида, қўйидаги масалалар киритилади:

саноқ комиссиясини сайлаш;

фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлаш.

Фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) иш регламенти, шу жумладан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг маърузалари, уларнинг муҳокамаси, саволлар ва жавоблар учун вақт белгиланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш учун фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан камида уч кишидан иборат таркибда саноқ комиссияси сайланади.

Фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларни эълон қилади. Шундан сўнг фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг ҳар бирига сўз беради.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг маърузаси алифбо тартибида ўтказилиб, номзодлар ўзининг келгуси фаолияти дастурини эълон қилади.

20-модда. Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлашда овоз бериш шакли

Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлаш яширин овоз бериш орқали амалга оширилади.

21-модда. Овоз беришни ўтказиш тартиби

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови бўйича овоз бериш ўтказилаётганда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) иштирокчиларига сайлов бюллетенлари (бундан буён матнда бюллетень деб юритилади) саноқ комиссияси томонидан берилади.

Бюллетенга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибида киритилади.

Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлашда бюллетенларни бериш бевосита овоз беришдан олдин бошланади.

Бюллетень овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдирилади. Овоз берувчи бюллетеннинг ўнг томонида ўзи ёқлаб овоз бераётган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзоднинг фамилияси қаршисида жойлашган бўш катакка «+», «v» ёхуд «x» белгисини қўяди.

Овоз берувчи тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди.

Сайлов қутилари овоз бериш тугаганидан кейин саноқ комиссияси томонидан очилади.

Бюллетенларнинг намуналари ва шакллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади.

22-модда. Овозларни санаб чиқиш

Овозлар саноқ комиссияси томонидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига ҳар бир номзод бўйича санаб чиқилади.

23-модда. Саноқ комиссиясининг баённомаси

Овозларни санаш натижалари бўйича саноқ комиссияси томонидан баённома тузилади ва баённома саноқ комиссиясининг раиси ҳамда аъзолари томонидан имзоланади.

Саноқ комиссиясининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) иштирокчиларининг умумий сони;

овоз беришда иштирок этган фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) иштирокчилари сони;

овоз бериш ўтказилганида бюллетенлар олган фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) иштирокчилари сони;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони;

овоз бериш ўтказилаётганда ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони.

Саноқ комиссиясининг баённомаси саноқ комиссиясининг раиси томонидан ўқиб эшиттирилади ва фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан тасдиқланади.

24-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови яқунларини чиқариш

Овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг ярмидан кўпроғининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига сайланган деб ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) сайлов яқунлари бўйича қарор қабул қилади, бу қарор фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади.

Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) баённомаси икки нусхада тузилиб, бир нусхаси сайлов яқунларини умумлаштириш учун тегишли туман ва шаҳар комиссиясига тақдим этилади.

Тегишли туман ва шаҳар комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови яқунларига доир умумлаштирилган маълумотларни юқори турувчи комиссияга топширади.

25-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топиш

Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида фуқаролар йиғинида иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан камроғи иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови фуқаролар вакилларининг йиғилишларида ўтказилган тақдирда, агар йиғилишда ховлилар, уйлар, кўчалардан фуқаролар вакилларининг учдан икки қисмидан камроғи иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови давомида ёки овозларни санаб чиқишда йўл қўйилган ва овоз бериш яқунларига таъсир қилган қоидабузарликлар туфайли сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

26-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида такрорий овоз бериш

Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Такрорий овоз бериш ушбу Қонун талабларига риоя этилган ҳолда ўтказилади.

Такрорий овоз бериш чоғида овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига сайланган ҳисобланади.

27-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) такрорий сайлови

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) такрорий сайлови қўйидаги ҳолларда ўтказилади, агар:

аввалги сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

такрорий овоз бериш фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайланганлигини аниқлаш имконини бермаса;

фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига кўпи билан икки нафар номзод кўрсатилган ҳамда улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) такрорий сайлови ушбу Қонун талабларига риоя этилган ҳолда бир ойлик муддатдан кечиктирмасдан ўтказилади.

28-модда. Бўшаб қолган ўринларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ваколатлари муддатидан илгари

тугатишган тақдирда, тегишли фуқаролар йиғинларида ушбу Қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда янги сайлов ўтказилади.

29-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови натижалари устидан шикоят қилиш

Фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови натижалари бўйича қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

30-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови натижалари бўйича фуқаролар йиғини органларини шакллантириш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови натижалари бўйича фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) бир ой ичида фуқаролар йиғини кенгашини шакллантиради, фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни ва тафтиш комиссиясини сайлайди.

31-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

32-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган «**Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида**»ги 609–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 5, 78-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган «**Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**»ги ЎРҚ–351-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 97-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–476-сонли Қонуни-

нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборот-номаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) **47-моддаси**.

33-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

34-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

35-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 октябрь,
ЎРҚ-499-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

825 Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 30 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**»ги 938–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 384-модда) **65-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Пенсионер Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг пенсиядан ортиқча тўланган суммаларни ушлаб қолиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда, аниқланган қарздорлик суд тартибида, бироқ унинг аниқланиш санасидан уч йилдан кўп бўлмаган давр учун ундирилади»;

иккинчи — бешинчи қисмлари тегишинча **учинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2007 йил, № 1, 3-модда, № 4, 156-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 470-мод-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 17 октябрда эълон қилинган.

да; 2011 йил, № 12/2, 365-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) **134-моддасига** қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

учинчи қисм қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат ва хусусий уй-жой фондларида кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар тўлаш ўтган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай ҳар ойда амалга оширилиши керак, бундан сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) хизматлари мустасно»;

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат ва хусусий уй-жой фондларида кўрсатиладиган сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) хизматлари учун мажбурий тўловлар олдиндан 100 фоизлик ҳақ тўлаш асосида амалга оширилиши керак»;

тўртинчи — олтинчи қисмлар тегишинча **бешинчи — еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

олтинчи қисмдаги «тўртинчи» деган сўз «бешинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

еттинчи қисм қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорларига, ижарага, арендага олувчиларига коммунал хизматлар кўрсатиш мажбурий тўловлар уч ойдан ортиқ тўланмаган тақдирда тўхтатиб турилади, бундан сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) хизматлари, шунингдек электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш мустасно»;

қўйидаги мазмундаги **саккизинчи** ва **тўққизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорларига, ижарага, арендага олувчиларига сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) хизматлари учун олдиндан 100 фоизлик ҳақ тўлаш амалга оширилмаган тақдирда, сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) тизимларидан тўлиқ узиб қўйишгача бўлган чоралар кўрилади.

Давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорларига, ижарага, арендага олувчиларига электр энергияси ва табиий газ етказиб берганлик учун ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган муддатда мажбурий тўловлар тўланмаган тақдирда, электр ва газ тақсимлаш тармоқларидан тўлиқ узиб қўйишгача бўлган чоралар кўрилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 16 октябрь,
ЎРҚ-500-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

826 Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 6 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда
маъқулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади хусусий бандлик агентликларининг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Хусусий бандлик агентлиги

Хусусий бандлик агентлиги иш қидираётган шахсларга иш танлаш ва ишга жойлашиш бўйича, иш берувчилар учун кадрлар танлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи, шунингдек ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатувчи тижорат ташкилотидир.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2017 йил 17 октябрда эълон қилинган.

Хусусий бандлик агентлиги олий маълумотли рахбарни қўшиб ҳисоблаганда камида икки нафар ходимга эга бўлиши керак.

4-модда. Хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг асосий принциплари

Хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, очиқлик ва шаффофлик, камситишга йўл қўймасликдан иборатдир.

5-модда. Хусусий бандлик агентликларини тузиш

Хусусий бандлик агентликлари юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши мумкин.

Хусусий бандлик агентлиги давлат органлари, сиёсий партиялар, касаб-ушмалари ва диний ташкилотлар томонидан тузилиши мумкин эмас.

6-модда. Хусусий бандлик агентлигининг фирма номи ва муҳри

Хусусий бандлик агентлиги фирма номига эга бўлиши ва бу номда «Хусусий бандлик агентлиги» деган сўзлар бўлиши керак.

«Хусусий бандлик агентлиги» деган фирма номидан фақат ушбу Қонун қоидаларига мувофиқ фойдаланилиши мумкин. Ушбу Қонун 3-моддасининг талабларига жавоб бермайдиган юридик шахслар ўз номида «Хусусий бандлик агентлиги» деган сўз бирикмасидан ва унинг асосида ҳосил қилинган сўз бирикмасидан фойдаланишга ҳақли эмас.

Хусусий бандлик агентлиги ўзининг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи ва ўз жойлашган ери кўрсатилган муҳрга эга бўлиши керак. Муҳрда фирма номи бир вақтнинг ўзида бошқа тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Хусусий бандлик агентлиги ўз номи бўлган штамплар, бланкаларга ва ўзининг эмблемасига эга бўлишга ҳақли.

7-модда. Хусусий бандлик агентлигининг таъсис ҳужжатлари

Хусусий бандлик агентлиги таъсис ҳужжатлари асосида фаолият кўрсатади.

Хусусий бандлик агентлигининг таъсис ҳужжатларида юридик шахсларнинг муайян ташкилий-ҳуқуқий шакллари учун қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларга қўшимча равишда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

фақат ушбу Қонуннинг 10-моддасида назарда тутилган хизматларни кўрсатиш бўйича фаолият тўғрисидаги;

таъсисчиларнинг, бошқарув органларининг тузилмаси ва ваколатлари ҳақидаги;

кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ички назоратига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги.

8-модда. Хусусий бандлик агентлиги фаолиятининг мулкӣ асоси

Хусусий бандлик агентлигининг фаолияти ўзининг хусусий мол-мулки ва (ёки) жалб этилган мол-мулк асосида амалга оширилиши мумкин.

Хусусий бандлик агентлиги ўз фаолиятини қайси мол-мулк асосида ва мулкӣ ҳуқуқлар воситасида амалга оширса, ўша мол-мулк, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар олди-сотди, гаров, ижара ҳамда ҳуқуқлар ва мажбуриятларни белгилаш, ўзгартириш ва (ёки) тугатиш билан боғлиқ бошқа битимлар объекти бўлиши мумкин.

9-модда. Хусусий бандлик агентликларини давлат рўйхатидан ўтказиш

Хусусий бандлик агентликларини давлат рўйхатидан ўтказиш Давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилади.

Давлат хизматлари марказлари аризаچига уни хусусий бандлик агентлиги сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни ушбу агентликни тузиш мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этишга ёки қонунда назарда тутилмаган қўшимча талаблар белгилашга ҳақли эмас.

Аризаچини хусусий бандлик агентлиги сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, шунингдек давлат рўйхатидан ўтказиш муддатларининг бузилиши устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарори, шунингдек унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) суд томонидан ғайриқонуний деб топилган тақдирда, улар рўйхатдан ўтказишни рад этиш ёки рўйхатдан ўтказиш муддатини бузиш туфайли аризаچига етказилган зарарнинг ўрнини қоплайди ҳамда маънавий зиённи компенсация қилади.

10-модда. Хусусий бандлик агентликларининг хизмат турлари

Хусусий бандлик агентликлари қуйидаги хизмат турларини кўрсатиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш қидираётган шахсларга иш танлаш;

иш берувчилар учун кадрлар танлаш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш;

ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари.

11-модда. Хусусий бандлик агентликларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш қидираётган шахсларга иш танлаш бўйича хизматлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш қидираётган шахсларга иш танлаш бўйича хизматлар хусусий бандлик агентлиги ва иш қидираётган шахс ўртасида тузилган хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш қидираётган шахсларга иш танлаш бўйича хизматлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

иш қидираётган шахслар тўғрисидаги ахборотни иш берувчилар ўртасида тарқатиш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тарқатиш;

бўш иш ўринларига эга бўлган иш берувчиларни излашни амалга ошириш;

иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш берувчилар билан музокаралар ўтказиш;

иш берувчилар ва иш қидираётган шахслар ўртасидаги суҳбатга тайёргарлик кўриш ҳамда музокараларда (суҳбатларда) иштирок этиш;

иш берувчилар ва иш қидираётган шахслар ўртасидаги меҳнат шартномалари лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш.

12-модда. Хусусий бандлик агентликларининг иш берувчилар учун кадрлар танлаш бўйича хизматлари

Иш берувчилар учун кадрлар танлаш бўйича хизматлар хусусий бандлик агентлиги ва иш берувчи ўртасида тузилган хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида кўрсатилади.

Иш берувчилар учун кадрлар танлаш бўйича хизматлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

иш берувчиларда мавжуд бўлган бўш иш ўринлари тўғрисидаги ахборотни тарқатиш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тарқатиш;

ишга жойлаштириш учун мақбул номзодларни излашни амалга ошириш;

ишга жойлаштириш учун номзодлар билан музокаралар ўтказиш;

иш берувчилар ва бўш иш ўринларини эгаллашга номзодлар ўртасидаги музокараларда (суҳбатларда) иштирок этиш;

иш берувчилар ва иш қидираётган шахслар ўртасидаги меҳнат шартномалари лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш.

13-модда. Хусусий бандлик агентликларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлари

Хусусий бандлик агентликларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлари уларда Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) мавжуд бўлган тақдирда тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар хусусий бандлик агентлиги ва иш қидираётган шахс ўртасида тузилган хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида кўрсатилади ҳамда қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш масаласи бўйича чет эллик шериклар билан ўз ваколатлари доирасида музокаралар (суҳбатлар) ўтказиш, шартномалар, битимлар ва баённомаларнинг лойиҳаларини тайёрлаш;

эҳтимол тутилган иш берувчиларни қидириш, хорижий мамлакатларнинг меҳнат бозорини ўрганиш асосида бўш иш ўринлари мавжудлиги тўғрисида

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларга ахборот тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида меҳнат фаолиятини амалга оширишни хоҳлаётган шахслар ҳақидаги ахборотни фақат уларнинг розилиги билан чет эллик иш берувчилар ўртасида тарқатиш;

иш қидираётган шахсларга Ўзбекистон Республикасидан ташқарида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун дастлабки тайёргарлик тадбирларини ўтказиш йўли билан кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлашиладиган мамлакатда бўлиш қоидалари, меҳнат шароитлари, ижтимоий ва уй-жой-маиший таъминоти, чет эллик иш берувчилар билан меҳнат шартномаларини тузишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида хабардор қилиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахслар билан иш берувчилар ўртасида меҳнат шартномаларини тузишга кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш учун хусусий бандлик агентликлари захира қилинадиган сумма сарфланган тақдирда маблағларнинг ўрнини тўлдириш, шунингдек лицензия тугатилган ёки бекор қилинган тақдирда маблағларни қайтариш шартлари билан эллик минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасида захира қилиб қўяди.

14-модда. Хусусий бандлик агентликларининг ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари

Ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари хусусий бандлик агентликлари томонидан хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида ёки бепул кўрсатилади.

Ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари буюртмачини меҳнат бозори ҳолатининг таҳлили ва прогнози ҳамда унинг иштирокчилари, мазкур бозорнинг конъюнктураси, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳақидаги ахборот билан таъминлашни, шунингдек ишга жойлаштириш соҳасидаги бошқа ахборотни тақдим этишни ўз ичига олади.

15-модда. Хусусий бандлик агентликлари томонидан хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома

Хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома хусусий бандлик агентлиги томонидан иш қидираётган шахс ва (ёки) иш берувчи билан ёзма шаклда тузилади.

Хусусий бандлик агентликлари томонидан хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

хизматларнинг мазмуни;

хизматлар кўрсатиш муддатлари;
хизматлар кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлаш миқдори ва шартлари;
шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги;
шартномани бекор қилиш тартиби ва шартлари;
шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда пул маблағларини қайтариш тартиби;

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатилган тақдирда, хусусий бандлик агентлигида лицензия мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар, лицензиянинг тартиб (рўйхатдан ўтказиш) рақами ва берилган санаси кўрсатилган ҳолда.

16-модда. Хусусий бандлик агентлигининг ҳуқуқлари

Хусусий бандлик агентлиги қуйидаги ҳуқуқларга эга:
хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ пуллик хизматлар кўрсатиш;
ишга жойлаштириш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан ахборот олиш;
иш қидираётган шахслардан, шунингдек иш берувчилардан ишга жойлаштириш учун зарур бўладиган ҳужжатлар ва ахборот олиш;
иш қидираётган шахслар ва иш берувчилар ишга жойлаштириш масалаларига доир ҳужжатларни ҳамда ахборотни тақдим этмаган тақдирда хизматлар кўрсатишни рад этиш.

17-модда. Хусусий бандлик агентлигининг мажбуриятлари

Хусусий бандлик агентлиги:
иш қидираётган шахсларга ёки иш берувчиларга фақат хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида хизматлар кўрсатиши;
хизматлар кўрсатиш чоғида буюртмачининг манфаатларини ифодалаши;
хизматлар кўрсатиш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этиши;
хизматлар кўрсатиш жараёнида буюртмачидан олинган ҳужжатларнинг бут сақланишини таъминлаши;
иш берувчининг ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахснинг талабига кўра лицензиясини кўрсатиши;
иш берувчиларнинг ва иш қидираётган шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши ҳамда уларга жавоб қайтариши;
ўз фаолияти ҳақидаги маълумотларни ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдим этиши;
хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги бажарилган шартномаларга оид архив материалларини шакллантириши ва сақлаши;
хусусий бандлик агентлиги тўғрисидаги маълумотлар ўзгарганлиги ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигини бир ҳафталик муддатда хабардор қилиши шарт.

18-модда. Иш берувчиларнинг ва иш қидираётган шахсларнинг ҳуқуқлари

Иш берувчилар ва иш қидираётган шахслар қўйидаги ҳуқуқларга эга: иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштиришга, иш берувчилар учун кадрлар танлашга кўмаклашиш бўйича хизматлар кўрсатиш, шунингдек ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартнома бажарилишининг бориши ҳақида хусусий бандлик агентлигидан ахборот олиш;

хусусий бандлик агентлиги томонидан шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда, хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш;

хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома хусусий бандлик агентлигининг айби билан бекор қилинганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланишини ва маънавий зиён компенсация қилинишини талаб қилиш;

ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда тегишли давлат органларига, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотларга, хусусий бандлик агентликларининг бирлашмаларига ёки судга мурожаат қилиш.

19-модда. Иш берувчиларнинг ва иш қидираётган шахсларнинг мажбуриятлари

Иш берувчилар ва иш қидираётган шахслар:

хусусий бандлик агентликлари билан тузилган хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар шартларига риоя этиши;

хусусий бандлик агентликлари билан тузилган хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар шартларига мувофиқ хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаши;

хусусий бандлик агентлигига ўз фаолиятини амалга ошириши учун зарур бўлган ишончли ва тўлиқ маълумотлар ҳамда ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

20-модда. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг хусусий бандлик агентликлари фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

Хусусий бандлик агентликларининг реестрини юритади;

лицензияни беради, қайта расмийлаштиради, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туради, қайта тиклайди ва тугатади, лицензияни бекор қилади;

хусусий бандлик агентликлари томонидан қонун ҳужжатлари талабла-

рига, шу жумладан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

Хусусий бандлик агентликларининг реестрида мавжуд бўлган маълумотларни ҳамда лицензияни бериш, қайта расмийлаштириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ва тугатиш, лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги ахборотни оммавий ахборот воситаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилади.

21-модда. Хусусий бандлик агентликларининг реестри

Хусусий бандлик агентликларининг реестри хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги янгиланиб турадиган ёзувларни ўз ичига олган маълумотларнинг ягона ахборот базасидир.

Хусусий бандлик агентликларининг реестрида хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қуйидаги асосий маълумотлар кўрсатилиши керак: юридик шахснинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефон рақами;

хусусий бандлик агентлиги раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми;

лицензия берилган (қайта расмийлаштирилган, лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган, қайта тикланган, тугатилган, у бекор қилинган, дубликатлари берилган) сана ва унинг рақами (мавжуд бўлган тақдирда).

Хусусий бандлик агентликларининг реестридаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

22-модда. Юридик шахсни Хусусий бандлик агентликларининг реестрига киритиш тартиби

Юридик шахс Хусусий бандлик агентликларининг реестрига кириш учун Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Хусусий бандлик агентликларининг реестрига киритиш тўғрисидаги аризани;

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни амалга оширганда лицензияни;

аризани кўриб чиққанлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдордаги йиғим аризачи томонидан тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг кўчирма нусхасини.

Хусусий бандлик агентликларининг реестрига киритиш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли;

ҳизмат кўрсатаётган банкнинг номи, банкда талаб қилиб олинadиган депозит ҳисобварағининг рақами;

аризачи раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт маълумотлари;

аризачи кўрсатмоқчи бўлган хизмат турлари;

ходимларни асосий иш жойи бўйича ишга қабул қилиш тўғрисидаги маълумотлар;

штатда олий маълумотли раҳбарни қўшган ҳолда камида икки нафар ходим мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар.

Юридик шахсдан ушбу моддада назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Хусусий бандлик агентликларининг реестрига киритиш учун зарур бўлган ҳужжатлар юридик шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар қабул қилиб олинганлиги тўғрисида маълум қилган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар юридик шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхат ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда дарҳол ариза-чига берилади (юборилади).

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги уч кунлик муддатда аризаچини Хусусий бандлик агентликларининг реестрига киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади ва бу ҳақда унга хабар қилади ёки асослантирилган рад жавобини юборади.

Хусусий бандлик агентликларининг реестрига киритишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, рад этиш ҳақидаги билдиришнома рад этишнинг аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда ариза-чига берилади (юборилади).

Ариза-чи билдиришномада кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун ўттиз календарь куни ичида тақдим этиши мумкин.

Такроран мурожаат қилинганда Хусусий бандлик агентликларининг реестрига киритишни рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилган сабаблар ариза-чи томонидан бартараф этилмаганлиги факти аниқланган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш амалга оширилмайди, берилган ҳужжатлар эса ариза-чига қайтарилиши лозим.

Билдиришномада кўрсатилган, рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилган сабаблар бартараф этилганидан кейин Хусусий бандлик агентликларининг реестрига киритишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Ушбу Қонунда назарда тутилган хизматларнинг Хусусий бандлик агентликларининг реестрига киритилмаган юридик шахслар томонидан кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

23-модда. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия бериш

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахс-

ларни ишга жойлаштириш бўйича фаолият лицензия асосида амалга оширилади.

Лицензия Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан чекланмаган муддатга берилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни амалга оширишнинг лицензияга оид талаблари ва шартлари қуйидагилардан иборат:

меҳнат ва миграция тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мажбурий равишда риоя этиш;

фақат ушбу Қонунда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш;

штатда олий маълумотли раҳбарни қўшиб ҳисоблаганда камида икки нафар ходимнинг мавжудлиги;

лицензияловчи орган белгиланган тартибда уч йилда камида бир марта юридик шахс ходимлари томонидан малака сертификатини олиш;

ушбу фаолиятни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан хусусий ёки ижарага олинган бинонинг мавжудлиги, тегишли моддий-техника базасидан, бошқа техника воситаларидан фойдаланиш;

лицензия даъвогари томонидан эллик минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасида захира қилиб қўйиш.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

24-модда. Хусусий бандлик агентлигининг ҳисоби ва ҳисоботлари

Хусусий бандлик агентликлари ҳисоб ва ҳисоботларни юритади. Ҳисоботлар хусусий бандлик агентлигининг танловига кўра қоғозда ва (ёки) электрон шаклда тузилиши мумкин. Хусусий бандлик агентлигининг электрон шаклда тақдим этилган ҳисоботлари хусусий бандлик агентлиги раҳбарининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади. Давлат хусусий бандлик агентликлари томонидан ҳисобга олишнинг электрон тарзда юритилишини дастурий таъминотни имтиёзли шартларда ёки бепул тарқатиш орқали рағбатлантиради.

Хусусий бандлик агентлиги ҳисоботларни фақат давлат статистика органларига ва давлат солиқ хизмати органларига, шунингдек ўз фаолияти тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдим этади.

Давлат органларига хусусий бандлик агентликлари учун ҳисоботларнинг қонунда назарда тутилмаган қўшимча турларини белгилаш тақиқланади.

25-модда. Хусусий бандлик агентликларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги

Хусусий бандлик агентликлари аҳолини ишга жойлаштириш соҳасида

хизматлар кўрсатиш мақсадида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар қўйидаги йўналишлар бўйича хусусий бандлик агентликлари билан ҳамкорлик қилади ҳамда уларга кўмаклашади:

иктисодий тармоқларида талаб қилинган касблар ва малакаларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини олиш учун танловларда иштирок этишга жалб этиш, шунингдек аҳолини ишга жойлаштириш соҳасида бошқа хизматлар кўрсатиш;

хусусий бандлик агентликларининг сўровлари бўйича бўш ва ташкил этилаётган иш ўринлари, шунингдек иш қидираётган шахслар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш;

аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишга, шу жумладан хорижда амалга оширишга жалб этиш;

аҳолини ишга жойлаштириш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш;

аҳолини ишга жойлаштириш соҳасида ахборот кампаниялари, конференциялар, симпозиумлар, семинарларни биргаликда тайёрлаш ва ўтказиш.

26-модда. Хусусий бандлик агентликларининг бирлашмалари

Хусусий бандлик агентликлари умумий манфаатларни ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида хусусий бандлик агентликларининг бирлашмаларини тузиш ҳуқуқига эга.

27-модда. Хусусий бандлик агентликларини давлат томонидан рағбатлантириш

Хусусий бандлик агентликларини давлат томонидан рағбатлантириш қўйидагилар орқали амалга оширилади:

улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

аҳолини ишга жойлаштириш ва унинг бандлиги соҳасидаги дастурлар ҳамда лойиҳаларни амалга оширишда уларнинг иштирокини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш;

уларнинг самарали фаолияти учун зарур бўлган ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техникавий ва бошқа ахборот билан таъминлаш;

ишга жойлаштириш соҳасида солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва тарифлар бўйича имтиёзлар ҳамда преференциялар белгилаш;

хусусий бандлик агентликлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда кўмаклашиш.

Хусусий бандлик агентликларини давлат томонидан рағбатлантириш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усулларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

28-модда. Хусусий бандлик агентлигини тугатиш

Хусусий бандлик агентлигини тугатиш унинг таъсисчилари ёки таъсис ҳужжатлари билан бунга ваколатли бўлган унинг органининг қарорига кўра ёхуд суднинг қарори бўйича амалга оширилади.

Хусусий бандлик агентлиги тугатилганда бўшатилаётган ходимларга уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши кафолатланади.

Хусусий бандлик агентлиги рўйхатдан ўтказувчи органининг тегишли давлат реестрига тугатиш тўғрисидаги ёзув киритилганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хабардор қилинган ҳолда тугатилган деб ҳисобланади.

29-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

30-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш

1. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «**Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида**»ги 510–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 616–I-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 97-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда) қўйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **10-модданинг иккинчи қисми** «меҳнат органларининг бепул вочитачилиги орқали» деган сўзлардан кейин «шунингдек хусусий бандлик агентликларининг хизматлари воситасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **13-модданинг иккинчи қисми** «Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги» деган сўзлардан кейин «ва хусусий бандлик агентликлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) қўйидаги мазмундаги **18¹-модда** билан тўлдирилсин:

«18¹-модда. Хусусий бандлик агентликларининг аҳолини иш билан таъминлашга қўмаклашишдаги иштироки

Хусусий бандлик агентликлари иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга қўйидаги хизмат турларини кўрсатиш йўли билан қўмаклашади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш қидираётган шахсларга иш танлаш;

иш берувчилар учун кадрлар танлаш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш;

ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари».

2. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда) **57-моддасининг иккинчи қисми** «меҳнат органларининг бепул воситачилиги орқали» деган сўзлардан кейин «шунингдек хусусий бандлик агентликларининг хизматлари воситасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган **«Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилнадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»**ги 222–II-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда, № 9, 416-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 335, 341-моддалар, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар) **1-илоvasи** куйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Хусусий бандлик агентликларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолияти».

31-модда. Низоларни ҳал этиш

Хусусий бандлик агентликларининг фаолияти билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

32-модда. Хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

33-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

34-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 16 октябрь,
ЎРҚ-501-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**827 «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 6 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги 472-І-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 230-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; № 12, 657-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 19 октябрда эълон қилинган.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 18 октябрь,
ЎРҚ-502-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Давлат божхона хизмати тўғрисида (янги таҳрири)

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари (бундан буён матнда божхона органлари деб юритилди) фаолиятини тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат божхона хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг давлат божхона хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Божхона органларининг асосий вазифалари

Божхона органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;

божхона назорати ва расмийлаштирувини амалга ошириш;

божхона тўловларини ундириш;

божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, қонун ҳужжатлари бузилишларининг, шу жумладан контрабанданинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш;

ташқи савдо операцияларининг мониторингини амалга ошириш, экспорт-импорт шартномаларининг ижросини таҳлил қилиш, шунингдек ташқи савдо операцияларининг божхона органларига тааллуқли қисмини ўтказишда валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш;

товарларнинг ташқи савдосига доир божхона статистикасини ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатурасини юритиш;

фуқароларнинг божхона соҳасидаги ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

хавфни бошқариш тизими қўлланилиши самарадорлигининг мунтазам мониторингини амалга ошириш;

божхона органлари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва назоратнинг техник воситаларини қўллаш;

божхона ишини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг божхона ишига тааллуқли қисмидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш.

4-модда. Божхона органлари фаолиятининг асосий принциплари

Божхона органлари фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, ягоналик, очиқлик ва шаффофлик, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилишдан иборатдир.

5-модда. Божхона органларининг давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар билан ҳамкорлиги

Божхона органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлик қилади.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар божхона органларининг ўз фаолиятини амалга оширишида, шунингдек божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларига қарши курашишида уларга ўз ваколатлари доирасида қўмаклашиши шарт.

Божхона органларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги электрон ахборот алмашинувидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Божхона органларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатлар уларнинг қонуний талаблари бўйича давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан бепул асосда тақдим этилади.

2-боб. Божхона органлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6-модда. Божхона органлари

Божхона органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари, «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси, божхона постлари, Олий ҳарбий божхона институти, шунингдек Миллий кинология маркази божхона органларидир.

Божхона органлари Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи кўрсатилган муҳрга эга бўлган юридик шахслардир.

Божхона органлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ташкил этилади ва тугатилади.

Божхона органларининг ташкилий-штат тузилмаси ва чекланган штатлари сони, божхона постларининг тоифалари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Божхона органларига Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси зарур ҳолларда божхона органларининг ташкилий-штат тузилмаларига белгиланган умумий штатлари сони доирасида ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Божхона постлари таркибида божхона пунктлари ташкил этилиши мумкин. Божхона пунктлари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси томонидан ташкил этилади ва тугатилади.

7-модда. Божхона органларининг ҳуқуқлари

Божхона органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

божхона назоратини амалга ошириш учун маълумотлар ва ҳужжатларни текшириш, оғзаки сўров ўтказиш, ахборот олиш, божхона кўздан кечирувини, божхона кўригини ва шахсий кўрикни ўтказиш, шунингдек бинолар, ҳудудлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш;

товарлар ва транспорт воситалари эркин муомалага чиқарилгандан сўнг жисмоний ва юридик шахслар томонидан тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилигини ҳамда уларнинг ташқи савдо фаолияти қонунийлигини текшириш мақсадида товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан божхона назоратини амалга ошириш;

банклардан, молия органларидан ҳамда бошқа ташкилотлардан, шунингдек жисмоний ва юридик шахслардан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни сўраш ва олиш;

божхона назоратини ўтказиш мақсадида товарлар ҳамда бошқа буюмлардан намуналар ва нусхалар олиш;

божхонага оид ҳуқуқбузарликларнинг бевосита предмети бўлган товарлар ва бошқа қимматликларни ушлаб туриш ҳамда олиб қўйиш;

терговга қадар текширув, суриштирув олиб бориш ва тезкор-кидирув фаолиятини амалга ошириш;

ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни маъмурий йўл билан ушлаб туришни амалга ошириш;

махсус рухсатномалар ва лицензиялар бериш;

божхона органлари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан ва назоратнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида мутахассисни ёки экспертни жалб этиш;

божхона органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш.

8-модда. Божхона органларининг мажбуриятлари

Божхона органлари:

божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириши;

божхона тўловлари тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириши;

божхона назоратини ташкил этиши;

товарларни ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтиш чоғида жисмоний ва юридик шахсларни уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиши;

ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида ўзига маълум бўлиб қолган давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этмаслиги;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига имкон яратган сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларини кўриши;

божхона органларида коррупция ва бошқа мансабдорлик жиноятлари содир этилишининг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириши;

давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашиши;

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этилишини таъминлаши шарт.

**3-боб. Божхона органлари жисмоний томонидан
жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва
ўқотар қуролни қўллаш**

**9-модда. Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва
ўқотар қуролни қўллаш шартлари**

Божхона органи ходими хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида жисмоний куч ишлатиш, ўзига бириктирилган махсус воситаларни ва ўқотар қуролни олиб юриш, сақлаш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Божхона органи ходими махсус тайёргарликдан ўтиши, шунингдек жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилиши билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий жиҳатдан яроқлилигини аниқлаш учун даврий текширувдан ўтиши шарт.

Махсус тайёргарликдан ўтган божхона органи ходимига Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тегишли рухсатнома берилади.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилишидан аввал уларни қўллаш нияти тўғрисида аниқ фойдаланган оғохлантириш бўлиши керак, бундан ушбу оғохлантиришнинг имкони бўлмаган ёхуд уларнинг қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва божхона органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирадиган ҳамда бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахсларнинг хатти-ҳаракатлари хусусиятига ва хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бунда божхона органи ходими ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.

Жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилганлиги натижасида тан жароҳати олган фуқароларга биринчи ёрдам кўрсатилиши, шунингдек имкон қадар қисқа вақт ичида тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилиши, уларнинг қариндошлари эса йигирма тўрт соат ичида бу ҳақда хабардор қилиниши керак.

Жисмоний куч ишлатилган, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилган, шунингдек жисмоний шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига ёхуд юридик шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат тўғрисида божхона органининг ходими бевосита бошлиғига дарҳол ахборот бериши шарт.

Божхона органлари жисмоний куч ишлатилганлиги ва махсус воситалар қўлланилганлиги натижасида жисмоний шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига ёхуд юридик шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида, шунингдек ўқотар қурол қўлланилган барча ҳоллар тўғрисида прокурорга дарҳол хабар беради.

Агар жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш ушбу Қонунда белгиланган асослар бўйича амалга оширилган бўлса, божхона органи ходими жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки

ўқотар қуролни қўллаш чоғида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

10-модда. Жисмоний куч ишлатиш

Агар куч ишлатилмайдиган усуллар божхона органи ходимининг зим-масига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаса, у шахсан ўзи ёки бўлинма (гуруҳ) таркибида:

божхона органларининг қўриқланадиган объектларини, ўқотар қуролни ва унинг ўқ-дориларини, портловчи моддаларни, транспорт воситаларини эгаллаб олишга бўлган уринишларга чек қўйиш учун;

фуқарога ёки божхона органининг ходимига қилинган ҳужумни қайтариш учун;

қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлаш, олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлаш учун, шунингдек унинг қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;

божхона органи ходимининг қонуний талабларига қаршилик кўрсатишни бартараф этиш учун жисмоний куч ишлатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш тақиқланади, бундан уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги, фуқароларнинг ёхуд божхона органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

11-модда. Махсус воситаларни қўллаш

Божхона органи ходими хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида махсус воситаларни: хоналарни очиб кириш ва транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш қурилмаларини, қўлкишанларни, резина таёқларни, кўздан ёш оқизувчи моддаларни, шунингдек бошқа махсус воситаларни ва техникани қўллаш ҳуқуқига қўйдаги ҳолларда эга бўлади:

фуқароларга ёки божхона органларининг ходимларига қилинган ҳужумни қайтариш учун;

божхона органларига тегишли ёки уларнинг фойдаланишида бўлган хонага, бинога (иморатга, иншоотга), транспорт воситасига, божхона назорати остидаги товарларга ва транспорт воситаларига қилинган ҳужумни қайтариш, худди шунингдек ушбу объектлар эгаллаб олинган тақдирда, уларни озод қилиш учун;

божхона органи ходимига кўрсатилаётган жисмоний қаршиликни бартараф этиш учун;

ҳуқуқбузарларни ушлаш, уларни божхона органига ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб бориш учун, агар мазкур шахслар жисмоний ёки ўзгача қаршилик кўрсатаётган бўлса;

транспорт воситасини тўхтатиш учун, агар мазкур транспорт воситаси божхона иши соҳасидаги ҳуқуқбузарлик объекти эканлиги хусусида асослар мавжуд бўлса.

Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўришиб турган шахсларга, ёши аниқ кўришиб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан махсус воситаларни қўллаш тақиқланади, бундан уларнинг қуролли қаршилиқ кўрсатганлиги ва (ёки) фуқароларнинг ёхуд божхона органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

Одамнинг бошига, бўйнига, ўмров суягига, қорнига, жинсий аъзоларига, юрак соҳасига резина таёқ билан зарбалар бериш тақиқланади.

Божхона органлари ходимлари қўллайдиган махсус воситаларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

12-модда. Ўқотар қуролни қўллаш

Божхона органлари ходимлари ўқотар қуролни фақат қуйидаги ҳолларда энг сўнгги чора сифатида қўллаш ҳуқуқига эга:

фуқароларни бошқа усуллар ёки воситалар билан ҳимоя қилиш имкони бўлмаганда — уларни ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи ҳужумдан ҳимоя қилиш учун;

божхона органи ходимлари контрабандага ва бошқа жиноятларга қарши курашиш бўйича хизмат мажбуриятларини бажараётганда — ўзларининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи қуролли ҳамда бошқа ҳужумларни қайтариш учун;

божхона органи томонидан қўриқланаётган объектларга, биноларга (иморатларга, иншоотларга) қуролли ҳужумларни қайтариш учун;

божхона органи ходимининг қуролни ва унинг ўқ-дориларини, портловчи моддаларни, портловчи мосламаларни, заҳарли ёки радиоактив моддаларни топшириш тўғрисидаги қонуний талабларига бўйсунгани рад этаётган шахсни ушлаш учун;

қуролли қаршилиқ кўрсатаётган шахсни ушлаш учун, агар қўлланилаётган усуллар ва воситалар қаршилиқни самарали қайтариш, шахсни ушлаш ёки қуролсизлантириш имконини бермаса;

агар транспорт воситасини бошқараётган шахс божхона органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги қонуний талабларига бўйсунмасдан фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид қилса, шунингдек уни ушлашнинг бошқа имкониятлари мавжуд бўлмаган тақдирда.

Ўқотар қурол қўлланилишидан аввал уни қўллаш нияти ҳақида аниқ ифодаланган огоҳлантириш бўлиши керак.

Ўқотар қурол қуйидаги ҳолларда огоҳлантиришсиз қўлланилиши мумкин:

қўққисдан қуролли ҳужум қилинганда, шунингдек ҳарбий техника, транспорт воситалари, учиш аппаратлари, дарё кемаларидан фойдаланиб ҳужум қилинганида;

транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда контрабанда ашёларини ноқонуний олиб ўтган ва бошқа жиноятларни содир этган қуролланган шахслар қочганда.

Ўқотар қурол қўлланидиган барча ҳолларда божхона органи ходими

атрофдаги одамлар хавфсизлигини таъминлаш учун барча мумкин бўлган зарур чораларни кўриши, зарур ҳолларда эса жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиши шарт.

Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан ўқотар қуролни қўллаш тақиқланади, бундан уларнинг қуролли ҳужум қилганлиги, фуқароларнинг ёхуд божхона органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, қуролли қаршилик кўрсатганлиги, қуролдан фойдаланиб транспорт воситасини эгаллаб олганлиги ёки гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳамда бундай ҳужумни бошқа усуллар ва воситаларни қўллаш йўли билан қайтариш имкони бўлмаган ҳоллар мустасно.

Божхона органлари фойдаланадиган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дорилари турларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Ушбу рўйхатга кирмайдиган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дорилари билан божхона органларини қуроллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тақиқланади.

4-боб. Божхона органларида хизматни ўташ

13-модда. Божхона органларида хизматга қабул қилиш ва хизматни ўташ

Божхона органларидаги хизматга фуқароларни қабул қилиш, лавозимга тайинлаш, уларнинг божхона органларидаги хизматда кўтарилиши ва бошқа лавозимга ўтиши ушбу фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар амалга оширилади.

Божхона органларидаги хизматга, ўн етти ёшдан кичик ва ўттиз ёшдан катта бўлмаган, шу жумладан ўттиз ёшда бўлган, тегишли даражадаги маълумотга эга бўлган, ўзининг шахсий ва ишчанлик фазилатларига, соғлиғининг ҳолати ва жисмоний тайёргарлигига кўра божхона органи ходимининг хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ихтиёрий асосда қабул қилинади.

Эркаклар божхона органларидаги хизматга муддатли ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ёхуд олий ўқув юртларида ҳарбий тайёргарликни ўтаган тақдирда қабул қилинади.

Алоҳида ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, қарори ёки фармойиши, шунингдек розилиги ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ёхуд Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг буйруғи асосида бошқа давлат органлари ва ташкилотлардан ходимлар ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган талабларни инобатга олмаган ҳолда божхона органларидаги хизматга қабул қилиниши мумкин.

Муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, хизматни ўташга тўсқинлик қиладиган касаллиги ёки жисмоний нуқсонла-

ри бўлган, бошқа давлат органларидан салбий сабабларга кўра бўшатишган фуқаролар, шунингдек содир этган жинояти учун қўлланилган жазо туридан, судланганлик ҳолати тугатилган ёки олиб ташланган ва ўзига нисбатан амнистия акти ёки афв этиш қўлланилганидан қатъи назар, илгари ҳукм қилинган фуқаролар божхона органларидаги хизматга қабул қилиниши мумкин эмас.

Божхона органларидаги лавозимлар қуйидагича тўлдирилади:

офицерлар таркиби — Олий ҳарбий божхона институти битирувчилари ва олий маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан;

сержантлар таркиби — ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг захирадаги офицерларини божхона органларининг сержантлар таркиби лавозимларига тайинлашга йўл қўйилмайди.

Божхона органлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг буйруқлари билан тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан келишувга кўра Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига, Давлат хавфсизлик хизматининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Миллий гвардиянинг қўшинлари ва органларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига биноан тузиладиган ҳарбийлаштирилган тузилмаларга, шунингдек ички ишлар органларига ўтказилиши ва улар шахсий тартибда ҳақиқий ҳарбий хизматга ёки божхона органларида хизматни давом эттириш учун тайинланганлиги муносабати билан қайтариб ўтказилиши мумкин.

Чақирилувчи бўлган, божхона органларига хизматга қабул қилинган ҳарбий хизматга мажбур Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳарбий ҳисобдан чиқарилади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг махсус ҳисобида туради. Хизматдан бўшатишган ходимлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида ҳарбий ҳисобга қўйилади.

14-модда. Божхона органларининг ходимлари

Божхона органларида хизмат қилаётган, махсус унвон берилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси божхона органининг ходимидир.

Божхона органлари ходимларининг формали кийим-бош намуналари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Божхона органи ходимига хизмат гувоҳномаси ва шахсий рақамли жетон берилади.

Божхона органининг ходими хизматни ўташ даврида сиёсий партиялар аъзоси бўла олмайди.

15-модда. Божхона органи ходимининг қасамёди

Божхона органларидаги хизматга қабул қилинган фуқаро қуйидаги мазмунда қасамёд қабул қилади:

«Мен, (фамилияси, исми, отасининг исми), божхона органи ходими

ваколатларини амалга ошириш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этишга, унинг иқтисодий хавфсизлигини ҳимоя қилишга, ўз хизмат мажбуриятларимни виждонан бажаришга қасамёд қиламан».

16-модда. Божхона органлари ходимларига махсус унвонлар бериш, бу унвонларни пасайтириш ва улардан маҳрум қилиш

Божхона органлари ходимларига қуйидаги махсус унвонлар берилади: сержантлар таркиби — божхона хизмати кичик сержанти, божхона хизмати сержанти, божхона хизмати катта сержанти;

офицерлар таркиби:

кичик офицерлар таркиби — божхона хизмати лейтенанти, божхона хизмати катта лейтенанти, божхона хизмати капитани;

катта офицерлар таркиби — божхона хизмати майори, божхона хизмати подполковниги, божхона хизмати полковниги;

генераллар таркиби — божхона хизмати генерал-майори, божхона хизмати генерал-лейтенанти, божхона хизмати генерал-полковниги.

Божхона органларининг сержантлар таркиби лавозимларига қабул қилинган номзодларга уларни лавозимга тайинлаш билан бир вақтда «кичик сержант» махсус унвони берилади.

Божхона органларининг офицерлар таркиби лавозимларига қабул қилинган номзодларга уларни лавозимга тайинлаш билан бир вақтда «катта сержант» махсус унвони берилиб, улар бу унвонда дастлабки синов муддати тугаб, биринчи офицерлик унвони берилгунигача қадар хизмат қилади.

Божхона органи ходимининг дастлабки синов муддати уч ойни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари захирасидаги офицерлар бўлган ва божхона органларининг офицерлар таркиби лавозимларига қабул қилинган номзодларга мавжуд ҳарбий унвонига тенг махсус унвон берилади.

Божхона органларининг катта офицерлар таркибигача бўлган махсус унвонлар, шу жумладан катта офицерлик унвонлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг буйруғи билан берилади.

Айрим ҳолларда, илмий даражаси ёки фаолиятнинг тор ихтисослик турлари бўйича кўп йиллик стажга ва иш (хизмат) тажрибасига эга бўлган фуқароларни божхона органларининг офицерлар таркиби лавозимларига тайинлаш чоғида уларга биринчи унвон сифатида «майор» махсус унвонигача бўлган унвон, шу жумладан «майор» махсус унвони ҳам берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, қарори, фармойиши асосида ёки унинг розилиги билан генераллар таркиби лавозимларига божхона органларидаги хизматга юборилган, махсус, ҳарбий ва бошқа унвони бўлмаган шахсларга «полковник» махсус унвонигача бўлган унвон, шу жумладан «полковник» унвони ҳам берилиши мумкин.

«Лейтенант» махсус унвони қуйидагиларга берилади:

божхона органларининг офицерлар таркиби лавозимларига қабул қилинган, синов муддатини муваффақиятли ўтаган шахсларга;

божхона органларининг сержантлар таркибидан офицерлар таркиби лавозимларига тайинланган шахсларга;

Олий ҳарбий божхона институти битирувчиларига.

Божхона органлари генераллар таркибининг махсус унвонлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади.

Махсус унвонда хизматни ўташ учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

«кичик сержант» — икки йил;

«сержант» — икки йил;

«катта сержант» — муддатсиз;

«лейтенант» — икки йил;

«катта лейтенант» — икки йил;

«капитан» — уч йил;

«майор» — тўрт йил;

«подполковник» — беш йил.

«Полковник» ва ундан юқори махсус унвонларда хизматни ўташ муддатлари белгиланмайди.

Навбатдаги махсус унвонлар ушбу модданинг ўн биринчи қисми билан белгиланган хизмат муддатини ўтаган божхона органлари ходимларига, улар эгаллаб турган лавозим бўйича назарда тутилган унвонга мувофиқ берилади.

Тегишли махсус унвонда бўлишнинг белгиланган муддати ўтган божхона органи ходими илгари эгаллаб турган лавозимидан юқори махсус унвонни назарда тутадиган лавозимга ўтказилаётганда навбатдаги махсус унвонни бериш учун тақдим этилади.

Божхона органи ходимининг махсус унвони пасайтирилган тақдирда, унинг аввалги унвони қайта тиклангунига қадар ўтаган хизмат муддати навбатдаги унвонни бериш муддатига қўшилмайди.

Хизмат мажбуриятларини намунали бажараётган, хизмат бурчини бажаришда фидойилик ва қахрамонлик кўрсатган божхона органлари ходимларига божхона органлари офицерлар таркибининг махсус унвонини муддатидан илгари бериш тарзида ёки эгаллаб турган лавозими билан назарда тутилганидан бир поғона юқори навбатдаги махсус унвон бериш тарзида рағбатлантириш чораси уларнинг божхона органларидаги бутун хизмати даврида фақат бир маротаба қўлланилиши мумкин.

Бир вақтнинг ўзида муддатидан илгари махсус унвон ҳамда эгаллаб турган лавозими билан назарда тутилганидан бир поғона юқори навбатдаги махсус унвон берилишига йўл қўйилмайди.

Пенсия олиш ҳуқуқини, шунингдек навбатдаги махсус унвонни бериш имконини берадиган хизмат йилларига эга бўлган, эгаллаб турган лавозими бўйича энг юқори махсус унвони «капитан» этиб белгиланган, ишда ижобий тавсифланадиган божхона органларининг офицерлар таркибидаги ходимларига хизматдан бўшатиш билан бир вақтда «майор» махсус унвони берилиши мумкин.

Божхона органлари ходимларига навбатдаги махсус унвонларни бериш куйидаги ҳолларда кечиктирилади:

ходим Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ихтиёрида бўлганда;

ходимда амалдаги интизомий жазо чораси мавжуд бўлганда;

ходим навбатдаги аттестациядан шартли равишда ўтганида;

ходимга нисбатан жиноят иши қўзғатилганда;

ходим эгаллаб турган лавозимидан интизомий жазо чораси сифатида озод этилганда ва бошқа лавозимга ўтказилганда — лавозимидан озод этилган кундан эътиборан бир йил давомида.

Божхона органларининг офицерлар таркибидаги ходимларига махсус унвонини бир поғона пасайтириш тарзидаги интизомий жазо берилиши мумкин. Бунда пасайтириш «лейтенант» махсус унвонигача амалга оширилиши мумкин. Махсус унвонни пасайтириш тарзидаги интизомий жазо бериш фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси томонидан амалга оширилади.

Божхона органи ходимининг аввалги унвони тиклангунига ва унга навбатдаги унвон берилгунига қадар махсус унвонни такроран пасайтиришга йўл қўйилмайди.

Махсус унвони пасайтирилган божхона органи ходимининг аввалги унвони, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, унвони пасайтирилган кундан эътиборан бир йил ўтгач Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси томонидан тикланиши мумкин.

Божхона органларининг генераллар таркибидаги ходимларининг махсус унвонларини пасайтириш ва тиклаш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амалга оширилади.

Махсус унвони пасайтирилган ва сўнгра тикланган божхона органи ходимининг махсус унвондаги хизмат муддати, унвони пасайтирилгунига қадар ўтган хизмат муддати билан қўшиб ҳисобланади.

Юқори ёки тенг лавозимга вазифани бажарувчи этиб тайинланган божхона органлари ходимларига улар вазифани бажарувчи этиб тайинлангунига қадар эгаллаб турган лавозимига мувофиқ махсус унвонлар берилади.

Божхона органлари ходимлари илгари эгаллаб турган лавозимларнинг штат жадвалидаги ўзгаришлар (штатлар қисқариши, унвонлар кўтарилиши ёки пасайтирилиши) улар вазифани бажарувчи этиб тайинланганидан ёки ўқишга кирганидан сўнг инobatга олинмайди.

Бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ёки махсус унвонлар ва даражалар мавжуд бўлишини назарда тутувчи ўзга органлардан божхона органларидаги хизматга ўтказилган шахсларга махсус унвонлар, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси томонидан берилади.

Божхона органи ходимига навбатдаги махсус унвонни беришда аввалги иш жойидаги унвонда хизматни ўтаган даври инobatга олинади.

Божхона органларининг махсус унвонлар берилган ходимларига хизмат қилган йиллари учун фоизли устамани белгилашда аввалги иш жойидаги

(фоизли устамани тўлаш учун белгиланган) хизмат ёки меҳнат стажи инобатга олинади ва мазкур давр божхона органларидан бўшатиш тақдирда пенсия тайинлаш чоғида умумий хизмат стажига қўшиб ҳисобланади.

Суднинг ҳукми асосида махсус унвонлардан маҳрум қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг буйруғи билан амалга оширилади. Махсус унвонни қайта тиклаш тўғрисида суднинг қарори қабул қилинган бўлса, махсус унвон Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг буйруғи билан тикланади.

17-модда. Божхона органлари ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тасдиқланади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимидан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси мақомига кўра вазирга, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари эса тегишинча вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларига тенглаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосарлари, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари ва «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Ушбу модданинг биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилмаган божхона органлари ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Ташкилий-штат ўзгаришлари бўлганида божхона органи ходими эгаллаб турган лавозимидан озод қилинади ва икки ойгача муддатга, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг руҳсати билан — икки ойдан ортиқ муддатга божхона органлари ихтиёрига олинади.

Божхона органлари ихтиёридаги божхона органи ходимига дастлабки икки ой давомида охириги эгаллаган лавозими бўйича пул таъминоти, учинчи ойдан бошлаб махсус унвони бўйича маоши ва хизмат йиллари учун устама сақланиб қолади. Тўрт ой ўтганидан кейин тўлов Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг қарорига кўра амалга оширилиши мумкин.

Божхона органи ходими божхона органлари ихтиёрида бўлган муддатга унинг касал бўлган (меҳнатга лаёқатсизлик варақаси мавжуд бўлганида) ва йиллик навбатдаги таътилда бўлган (болани парваришлаш таътилида бўлиш бундан мустасно) давр қўшиб ҳисобланмайди. Ушбу таътиллار даврида пул таъминотини тўлаш фақат дастлабки икки ой давомида амалга оширилади.

Божхона органи ходими божхона органлари ихтиёрида икки ойдан ор-

тиқ бўлган даврнинг бир куни бир кунга тенглаштирилган ҳолда умумий хизмат стажига қўшилади.

Божхона органи ходимининг ёки унинг оила аъзоларининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид, шунингдек уларнинг соғлиғи ҳолати туфайли хизмат (яшаш) жойини ўзгартириш зарурати юзага келган тақдирда, мазкур ходимни божхона органларининг бошқа бўлинмасига хизматга ўтказиш амалга оширилади.

Божхона органларининг ўзаро қариндошлик алоқаларида бўлган ходимлари (ота-она, эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, фарзандлар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-укаси, опа-сингиллари), агар хизматни битта бўлинмада ўташ бирининг иккинчисига бўйсунуши ёки назорати остида бўлиши билан боғлиқ бўлса, улар битта бўлинмадаги лавозимларга тайинланиши мумкин эмас.

Божхона органи ходимини эгаллаб турган лавозимдан четлаштириш ҳақида жиноят иши бўйича суд қарори чиқарилганида у эгаллаб турган лавозимдан озод этилади ва аввалги хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган қуйи ёки тенг лавозимга тайинланади ёхуд божхона органлари ихтиёрида қолдирилади.

Эгаллаб турган лавозимдан четлаштирилган ходимни хизматдан бўшатиш ёки уни аввалги ёхуд тенг лавозимга тайинлаш тўғрисидаги масала бунга ваколатли бўлган бошлиқлар томонидан суд қарори асосида ҳал этилади.

Божхона органи ходимини лавозимдан лавозимга ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

юқори лавозимга — хизмат бўйича кўтарилиш ёки рағбатлантириш тартибида;

тенг лавозимга — шахсий илтимосига кўра, соғлиғининг ҳолати бўйича (ички ишлар органларининг ҳарбий-тиббий комиссияси хулосаси асосида), оилавий шароитига кўра, суд қарори, хизмат текширувнинг хулосаси асосида лавозимдан четлаштирилганда ёки ходимнинг касбий ва шахсий хислатларини, эгаллаб турган лавозимидаги амалий тажрибасини инобатга олган ҳолда бўш лавозимларни тўлдириш зарурияти юзага келганида, шунингдек ташкилий-штат ўзгаришлари бўлганида;

қуйи лавозимга — ходимнинг шахсий илтимосига кўра, соғлиғининг ҳолати бўйича (ички ишлар органларининг ҳарбий-тиббий комиссияси хулосаси асосида), аттестация натижаларига кўра эгаллаб турган лавозимига нолайиқ деб топилганда, интизомий жазо чораси сифатида эгаллаб турган лавозимдан озод этилганда, шунингдек ташкилий-штат ўзгаришлари бўлганида ёки суд қарори асосида лавозимдан четлаштирилганлиги сабабли уни тенг лавозимга ўтказиш имконияти бўлмаганида.

Божхона органларининг раҳбар лавозимларни эгаллаган ходимлари тенг лавозимга, шу жумладан бошқа таркибий тузилмага, қоида тариқасида, эгаллаб турган лавозимида уч йил ишлаганидан сўнг ротация тартибида ўтказиши мумкин.

18-модда. Божхона органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

Божхона органлари учун кадрлар тайёрлаш Олий ҳарбий божхона инс-

титутида ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа таълим муассасаларида амалга оширилади.

Божхона органининг ходими бошқа турдаги касбий фаолият билан боғлиқ лавозимга тайинланган тақдирда ёки уни ишнинг янги йўналишлари бўйича тайёрлаш зарур бўлганда қайта тайёргарликдан ўтади.

Божхона органининг ходими ҳар икки йилда малака оширишдан ўтади.

Олий ҳарбий божхона институтининг тингловчилари ва курсантлари божхона органларидаги хизматда деб ҳисобланади, бундан чет эл фуқаролари мустасно.

19-модда. Хизматни ўташ режимини таъминлаш

Божхона органлари ходимлари учун иш вақти давомийлиги ҳафтасига қирқ соатдан ошиши мумкин эмас. Зарур бўлган ҳолларда, ходимлар кучайтирилган ёки суткалик режимда хизматни ўташга жалб этилиши мумкин.

Хизматни ўташнинг одатдаги режимда олти кунлик иш ҳафтаси назарда тутилади, бунда кунлик иш давомийлиги етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ошмаслиги керак.

Хизматни ўташнинг кучайтирилган режими кунига иш вақтидан ташқари давомийлиги тўрт соатдан ошмайдиган хизмат белгиланишини назарда тутди.

Суткалик режимда хизматни ўташ уч маҳал овқатланиш ҳамда камида саккиз соат дам олиш учун вақт берилган ҳолда йигирма тўрт соат давомида амалга оширилади.

Хизматни суткалик режимда ўташ чоғида божхона органлари ходимларига уларнинг хоҳишига кўра, хизматни ўташ жойида Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари ҳарбий хизматчилари учун белгиланган умумқўшин паёғи нормалари доирасида белгиланадиган озиқ-овқат паёғи учун бериладиган компенсация ўрнига уч маҳал бепул овқат берилиши мумкин, бундан ўз хизмат вазифаларини доимий равишда суткалик навбатчилик режимида бажарадиган ходимлар мустасно.

Кучайтирилган ёки суткалик режимлар жорий этилиши муносабати билан иш соатларининг (кунларининг) белгиланган нормалари оширилганлиги учун божхона органи ходимига пуллик компенсация тўланади ёки хоҳишига кўра дам олиш кунлари (отгуллар) берилади ёхуд бу кунлар ҳар йилги асосий таътилига қўшилади.

Кучайтирилган ва суткалик режимларни жорий этиш ҳамда бекор қилиш, шунингдек божхона органлари ходимларини жанговар ҳаракатларда иштирок этишга жалб этиш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг буйруғи билан амалга оширилади.

Дам олиш ва байрам кунлари хизмат мажбуриятларини бажаришга жалб этиладиган божхона органлари ходимларига ҳафтанинг бошқа кунларида дам олиш кунлари берилади.

Божхона органларининг навбатчилик қисмлари суткалик нарядининг хизмати йигирма тўрт соатга мўлжаллаб ташкил этилади.

Навбатчилик вақтида божхона органлари навбатчилик қисмининг ходимларига овқатланиш ва қисқа муддатли дам олиш учун ҳар бир кишига умумий давомийлиги уч сменалик навбатчиликда — олти соат, тўрт сменалик навбатчиликда — тўрт соат давом этадиган танаффуслар навбатма-навбат берилади.

Смена тугагач, божхона органлари навбатчилик қисмларининг ходимларига ҳамда хизмат мажбуриятларини суткалик навбатчилик режимида доимий бажарувчи бошқа ходимларга дам олиш берилади.

Божхона органларининг асосий хизмат мажбуриятларига қўшимча равишда суткалик хизматга (шу жумладан навбатчиликка) жалб этилган ходимларига навбатчилик тугаганидан сўнг камида йигирма тўрт соат давом этадиган дам олиш вақти берилади.

Божхона органларидаги хизмат фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда божхона органининг бошлиғи томонидан тасдиқланадиган кун тартиби ишлаб чиқилади.

20-модда. Божхона органи ходимининг бошқа органлар ва ташкилотларга сайланишидаги (тайинланишидаги, юборилишидаги) кафолатлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига, Сенати аъзолигига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органи депутатлигига сайланган (тайинланган), Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида, қарорига, фармойишига, шунингдек унинг розилигига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан бошқа давлат органларига ёки уларнинг тасарруфидаги ташкилотларга тайинланган, худди шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг буйруғи билан таълим муассасаларига ўқишга юборилган божхона органи ходими ўз мажбуриятларини бажариш (ўқиш) даврида, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, божхона органларида пул таъминоти сақланмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси кадрларининг амалдаги захирасига (бундан буён матнда кадрлар захираси деб юритилади) киритилади.

Божхона органининг ходими сайланган (тайинланган, юборилган) давлат органи уни сайлангунига (тайинлангунига, юборилгунига) қадар эгаллаб турган охири лавозимидагидан кам бўлмаган миқдорда пул таъминоти билан таъминлайди, шунингдек хизмат йиллари учун устама ва махсус унвон бўйича маош тўлайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган божхона органлари ходимларига махсус унвонлар охири эгаллаган лавозимидан қатъи назар берилади. Мажбуриятларни бажариш (ўқиш) даври божхона органи ходимига навбатдаги махсус унвонни олиш ҳуқуқини берадиган хизмат йилларига устама тўлаш, пул таъминоти (лавозим маоши ва махсус унвон бўйича маоши суммасидан иборат бўлган) маошини белгилаш ва пенсия тайинлаш учун божхона органларидаги хизмат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган божхона органлари ходимлари хизматдан бўшатиладиганда, шунингдек уларнинг оила аъзолари божхона органларидан бўшатиладиган ходимлар билан тенг ҳуқуқлар, имтиёзлар ва афзалликлардан фойдаланади.

Божхона органларига қайтган божхона органининг ходими Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг буйруғи билан кадрлар захирасидан чиқарилади ва аввалги лавозимига, тенг ёки юқориқ лавозимга тайинланади.

21-модда. Божхона органлари ходимларининг аттестацияси

Божхона органлари ходимларининг аттестацияси (бундан буён матнда аттестация деб юритилади) уларнинг билим даражасини ва касбга яроқли-лигини, эгаллаб турган лавозимига муносиблигини ҳолисона баҳолаш, шунингдек хизмат интизомини мустаҳкамлаш ҳамда зиммасига юклатилган вазифаларни бажараётганда масъулиятини ошириш мақсадида ўтказилади.

Аттестация ошқоралик, талабчанлик, принципиаллик ва хайрихоҳлик вазиятида ўтиши лозим.

Божхона органларининг ходимлари хизмат даврида навбатдаги ва навбатдан ташқари аттестациядан ўтади.

Навбатдаги аттестацияни ўтказиш даври лавозимга тайинланган ва охириги аттестациядан ўтказилган кундан эътиборан ҳисобланади.

Навбатдаги аттестация уч йилда бир марта ўтказилади.

Божхона органларининг қуйидаги ходимлари навбатдаги аттестациядан ўтмайди:

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланганлар;

эгаллаб турган лавозимида бир йилдан кам хизмат қилганлар. Мазкур тоифадаги ходимлар бир йил ўтгач аттестациядан ўтади;

хизмат сафариди, даволанишда (ички ишлар органларининг тиббиёт муассасаларида меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилган ҳолда) бўлганлар ва малака оширишдан ўтаётганлар. Мазкур тоифадаги ходимлар хизмат мажбуриятларини бажаришга қайтганидан кейин аттестациядан ўтади;

кадрлар захирасига киритилганлар. Мазкур тоифадаги ходимлар кадрлар захирасидан чиқарилиб, божхона органларидаги лавозимга тайинланган кундан эътиборан камида бир йил ўтгач умумий тартибда аттестациядан ўтади;

ҳомилдорлик, туғиш ва болани парваришлаш таътилида бўлганлар. Мазкур тоифадаги ходимлар хизмат мажбуриятларини бажаришга қайтган кундан эътиборан камида бир йил ўтгач аттестациядан ўтади;

божхона органлари ихтиёрига олинган ходимлар. Мазкур тоифадаги ходимлар лавозимга тайинланганидан кейин бир йил ўтгач аттестациядан ўтади;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимлар. Мазкур тоифадаги ходимлар хизмат текшируви тугаганидан кейин аттестациядан умумий тартибда ўтади.

Навбатдан ташқари аттестациядан божхона органларининг ишда паст кўрсаткичларга эга бўлган, хизмат интизомини қўпол равишда бузган ёки мунтазам бузиб келаётган, божхона органи ходимининг шаънига путур етказувчи ножўя ҳаракатлар содир этган ходимлар ўтади.

Навбатдан ташқари аттестацияни ўтказиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси томонидан қабул қилинади.

22-модда. Божхона органларининг ходимларига таътиллار бериш

Божхона органларининг ходимларига таътилни ўтказиш жойига бориш ва қайтиш учун зарур бўлган, бироқ уч календарь кундан ошмайдиган вақт кўшилган, лавозими ва пул таъминоти сақланган ҳолда ҳар йили давомийлиги ўттиз календарь кун бўлган асосий таътил берилади.

Давлат байрамлари кунлари йиллик навбатдаги таътилни давомийлигини аниқлашда ҳисобга олинмайди.

Божхона органи ходимининг йиллик асосий таътилига календарь ҳисобдаги хизмат йиллари учун:

ўн йиллик хизматидан сўнг — давомийлиги беш кун;

ўн беш йиллик хизматидан сўнг — давомийлиги ўн кун;

йигирма йиллик хизматидан сўнг — давомийлиги ўн беш кун бўлган, ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

Божхона органларининг ходимларига хизматининг биринчи йилида ҳар йилги навбатдаги таътил камида олти ой ишлаганидан кейин берилади.

Ҳар йилги навбатдаги таътил даврида божхона органи ходими ички ишлар органларининг тиббиёт муассасаларида меҳнатга лаёқатсизлик варақаси расмийлаштирган ҳолда даволанишдан ўтган ҳолларда таътил даволаниш муддатига узайтирилади.

Таътилдан чақириб олишга фақат хизмат юзасидан ўта зарур ҳоллардагина божхона органи ходимининг розилиги ва ушбу ходим бошлиғининг ёзма қарори билан йўл қўйилади. Таътилдан чақириб олинган тақдирда унинг фойдаланилмаган қисми, қоида тариқасида, жорий йилда берилади.

Агар божхона органи ходимига ҳар йилги навбатдаги таътил календарь йил давомида берилмаган бўлса, таътил учун моддий ёрдам жорий молия йилининг охирида тўланади.

Божхона органи ходимига йилига бир маротаба Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар йилги навбатдаги таътилни ўтказадиган жойига, шунингдек санаторий-курортда даволаниш жойига бориши ва қайтиши билан боғлиқ йўл харажатларининг ўрни қопланади.

Божхона органи ходимларига касаллиги бўйича таътиллари ички ишлар органи ҳарбий-тиббий комиссиясининг хулосаси асосида берилади. Ушбу таътилни давомийлиги касалликнинг хусусиятига кўра белгиланади.

Касаллик бўйича таътилда узлуксиз бўлишнинг умумий ҳисобланадиган муддати тўрт ойдан ошмаслиги лозим. Бунда айрим касалликлар бўйича даволанишда бўлиш учун анча узоқроқ муддат талаб қилинган ҳолларда, бу

муддат ички ишлар органлари тиббиёт муассасасининг хулосаси асосида узайтирилиши мумкин.

Божхона органларининг ходимлари касаллик бўйича таътилда узлуксиз бўлишнинг белгиланган муддати ўтгач, бундан буёнги хизматга яроқлилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун ички ишлар органларининг ҳарбий-тиббий комиссиясида текширувдан ўтиши лозим.

Божхона органлари ходимларининг хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида олинган жароҳатларини (контузиялар, майбликларни) даволашда бўлган даври муайян муддат билан чекланмайди. Мазкур тоифадаги шахслар даволаниш тугаганидан сўнг ички ишлар органларининг тиббиёт муассасаларида ҳарбий-тиббий текширувдан ўтади.

Ички ишлар органлари ҳарбий-тиббий комиссиясининг хулосаси асосида бериладиган касаллик бўйича таътил даврида божхона органи ходимининг пул таъминоти сақланади.

Касаллик бўйича таътил ҳар йилги навбатдаги таътил ҳисобига киритилмайди.

Божхона органларининг ходимлари хизматдан бўшатилаётганда касаллик бўйича таътил берилмайди.

Олий ҳарбий божхона институтининг академик қарздорлиги бўлмаган курсантларига етти кун давом этадиган қишки ва ўттиз кун давом этадиган ёзги таътиллار, шунингдек институтни тамомлаши муносабати билан ўттиз календарь кун давом этадиган таътил берилади.

Божхона органлари ходимларига қариндошлик бурчини бажариш билан боғлиқ бўлган, шунингдек бошқа узрли сабабларга кўра оиласидаги кечиктириб бўлмайдиган ижтимоий-маиший масалаларни ҳал этиш учун пул таъминоти сақланмаган ҳамда таътилни ўтказиш жойига бориш ва қайтиш учун зарур бўладиган вақт ҳисобга олинмаган ҳолда ўн кунгача давом этадиган қисқа муддатли таътил берилиши мумкин.

Хизматдан бўшатилаётган божхона органлари ходимларига фойдаланилмаган ҳар йилги навбатдаги таътил учун бўшаётган йилда хизмат қилган даврига мутаносиб равишда пуллик компенсация тўланади. Бунда пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлмаган божхона органи ходимидан таътил учун аввал тўланган пуллик компенсация суммаси бўшаётган йилдаги хизмат даврига мос равишда ушлаб қолинади.

23-модда. Божхона органларидаги хизмат муддатини узайтириш, хизматдан бўшатиш ва хизматга тиклаш

Божхона органлари ходимларини хизматдан бўшатиш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси томонидан ваколат берилган божхона органи раҳбарининг буйруғи билан амалга оширилади.

Божхона органи ходими қуйидаги асосларга кўра хизматдан бўшатилади:

ўзининг хоҳиши бўйича (пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат муддатини ўтамаганлар учун) — ходимнинг билдиргиси асосида;
хизматда бўлишнинг белгиланган чегара ёшига тўлганда;

пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат муддатини ўтаганда — ходимнинг билдиргиси асосида;

касаллиги бўйича — ички ишлар органлари ҳарбий-тиббий комиссиясининг хизматга яроқсизлиги тўғрисидаги хулосаси асосида;

соғлиғининг чекланганлиги ҳолати бўйича — ички ишлар органлари ҳарбий-тиббий комиссиясининг хизматга яроқчилиги чекланганлиги тўғрисидаги ва хизмат бўйича бошқа лавозимга ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, эгаллаб турган лавозимига мувофиқ хизмат мажбуриятларини бажара олмаслиги ҳақидаги хулосаси асосида;

дастлабки синов муддати давомида хизматга яроқсизлиги сабабли;

малакаси етарли эмаслиги оқибатида эгаллаб турган лавозимига нолойқлиги сабабли — аттестация натижалари асосида;

хизмат интизомини бир марта қўпол равишда бузганлиги сабабли;

божхона органи ходимининг шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракат содир этганлиги сабабли;

жинояти учун суднинг ҳукми, ажрими, қарори қонуний кучга кирганидан кейин ҳукм қилинганлиги сабабли;

ходимда интизомий жазо чораси мавжуд бўлган тақдирда мунтазам равишда хизмат интизомини бузганлиги учун;

бошқа давлат органига ўтганлиги сабабли (кадрлар захирасига киритмасдан);

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тугатилганлиги ёки чет давлат фуқаролигини олганлиги сабабли;

ходимлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларга (тақиқларга) риоя этмаганлиги сабабли.

Божхона органларидаги хизматни ўташ ёшининг чегараси сержантлар таркибидаги ходимлар учун эллик ёшни, офицерлар таркибидаги ходимлар учун — эллик беш ёшни, генераллар таркиби учун — олтмиш ёшни ташкил этади.

Юқори касбий тайёргарликка, эгаллаб турган лавозимида иш тажрибасига эга бўлган ва соғлиғининг ҳолатига кўра хизматни ўташга яроқли божхона органлари ходимларига уларнинг розилиги билан хизмат муддати Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси томонидан белгиланган тартибда беш йилгача, Олий ҳарбий божхона институтида профессор-ўқитувчилик лавозимларини эгаллаб турган ва илмий даражага эга бўлган шахсларга эса ўн йилгача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин.

Илгари божхона органларида хизмат қилган ёхуд ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларни қайта қабул қилишда улар ёшининг чегараси қирқ беш ёшдан ошмаслиги керак.

Хизмат муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор божхона органи ходимини ушбу Қонунда назарда тутилган асослар бўйича хизматдан бўшатиш имкониятини истисно этмайди.

Қўйидаги ҳолларда божхона органлари ходимларини хизматдан бўшатишга йўл қўйилмайди, агар улар:

тиббиёт муассасаларида даволанишда бўлса, ички ишлар органларининг

тиббиёт муассасалари томонидан вақтинча меҳнатга лаёқатсиз деб топилган ҳолларда;

таътилда ёки хизмат сафариди бўлса;

асирга ёки гаровга олинган бўлса (ўз ихтиёри билан асирга тушиш ёки гаровга олиниш ҳоллари бундан мустасно).

Божхона органи ходимига нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилаётган, судда кўрилаётган жиноят иши бўйича тўхтам қабул қилинмаган ёки суд ҳукми қонуний кучга кирмаган бўлса, у хизматдан бўшатилиши мумкин эмас.

Божхона органи ходими календарь ҳисобдаги хизмат даври йигирма йилга етганида пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ўтаган хизмат муддати бўйича хизматдан бўшаш ҳуқуқига эга.

Божхона органлари ходимлари ҳалок бўлганлиги (вафот этганлиги), бедарак йўқолган деб топилганлиги ёки вафот этган деб эълон қилинганлиги сабабли божхона органлари шахсий таркиби рўйхатларидан чиқарилади.

Содир этган жинояти учун суднинг ҳукми, ажрими, қарори қонуний кучга кирганидан кейин ҳукм қилинганлиги муносабати билан бўшатишган шахсларни божхона органларидаги хизматга тиклаш, улар ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилганлиги ёхуд асоссиз бўшатишганлиги тан олинган ҳолларда, суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг қарори асосида амалга оширилади.

Хизматга тикланиши лозим бўлган шахсларни шахсий таркиб рўйхатларига киритиш ва лавозимга тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг қарори билан амалга оширилади.

Божхона органларидаги хизматга тиклаш шахс бўшатишган кундан тикланган кунга қадар бўлган даврни ҳисобга олиш шарти билан аввалги махсус унвонини бериш, устамани ва ўтаган хизмат муддатини ҳисоблаш, аввалги лавозимига тайинлаш ёхуд бунинг имкони бўлмаса, унга тенг ёки бошқа лавозимга тайинлаш орқали амалга оширилади.

Қамоққа олинган божхона органи ходимига қамоққа олинган кундан бошлаб пул таъминотини тўлаш тўхтатиб турилади ҳамда қамоқдан озод этилган кундан бошлаб тикланади.

Хизматга тикланаётган шахсга етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш суднинг қарори асосида амалга оширилади.

Илгари божхона органларидан бўшатишган шахсларни хизматга қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси томонидан белгиланади.

Божхона органларида хизматни ўтаётган (шу жумладан кадрлар заҳирасида бўлган) божхона органлари ходимларига хизмат ўташ муддати имтиёзли равишда — бир куни бир ярим кунга тенглаштириб ҳисобланади.

Олий ҳарбий божхона институтида, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг собиқ Божхона коллежида ва Ўзбекистон Республикасининг олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқиш даврида хизмат муддатининг бир куни бир кун ҳисобида ҳисобланади.

Божхона органи ходими бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёхуд судга мурожаат этиб, ўзининг хизматдан бўшатилиши юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

5-боб. Божхона органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш

24-модда. Божхона органлари ходимларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари

Божхона органи ходими давлат органи вакили сифатида иш юритади ва давлат ҳимоясида бўлади.

Божхона органи ходими хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ўзининг тўғридан-тўғри ва бевосита бошлиғига бўйсунди.

Ҳеч ким божхона органлари ходимларининг қонуний фаолиятига аралашиш, қонун билан уларнинг зиммасига юклатилмаган вазифаларни бажаришга мажбур қилиш ҳуқуқига эга эмас, бундан ушбу ваколатлар қонун билан ўз зиммасига юклатилган шахслар мустасно.

Божхона органи ходими қонунга амал қилиши шарт, қонунга зидлиги аниқ бўлган буйруқ ёки фармойиш олганда уни бажаришни рад этиш ҳуқуқига эга.

Божхона органлари ходимлари ўз иш юритувида бўлган ишлар ва материалларнинг моҳияти бўйича бирор-бир тушунтириш беришга, шунингдек бундай ишлар ва материалларни, шу жумладан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ишлар ҳамда материалларни танишиб чиқиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан бошқача тарзда тақдим этишга мажбур эмас.

Божхона органларининг ходимлари ўзига нисбатан қабул қилинаётган қарорлар ва ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) юзасидан юқори турувчи мансабдор шахсларга, прокурорга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Хизмат мажбуриятларини бажараётган божхона органи ходимининг ўз ваколати доирасида қўйилган қонуний талаблари барча жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Божхона органлари ходимларининг қонуний талабларини бажармаслик, ўз хизмат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилиш, шаъни ва қадр-қимматини камситиш, уларга қаршилик кўрсатиш, таҳдид, зўрлик қилиш ёки ўз хизмат мажбуриятларини амалга ошириши муносабати билан уларнинг ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига тажовуз қилиш қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Божхона органлари ходимларининг қонуний талаблари юзасидан шикоят қилиниши ушбу талабларнинг бажарилишини тўхтатиб турмайди.

25-модда. Божхона органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш турлари

Божхона органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш қуйидагилар орқали таъминланади:

соғлиғини сақлаш;
меҳнатига ҳақ тўлаш;
уй-жой майдони билан таъминлаш;
мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;
давлат пенсия таъминоти;
давлат суғуртаси;
ижтимоий ёрдам кўрсатиш.

Қонун ҳужжатларида божхона органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

26-модда. Божхона органлари ходимларининг ва улар оила аъзоларининг соғлиғини сақлаш

Божхона органларининг ходимларига, пенсионерларига ва уларнинг оила аъзоларига, Олий ҳарбий божхона институти курсантларига ички ишлар органларининг тиббиёт муассасалари томонидан бепул тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий таъминот тақдим этилади ҳамда тиббий-санитария ёрдами кўрсатилади.

Божхона органларининг ходимлари ва пенсионерлари санаторий-курорт шароитида даволаниш учун йилига бир марта имтиёзли йўлланмалар билан таъминланади.

Зарур бўлган ҳолларда, шошилинч тиббий ёрдам ва режали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш-профилактика муассасалари томонидан амалга оширилади.

Тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдамни ва санаторий-курорт таъминотини ташкил этиш, тиббий текширувни ва ҳарбий-тиббий экспертизани ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

27-модда. Божхона органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш

Божхона органлари ходимларига пул таъминотининг турлари ва миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Божхона органлари ходимлари пул ва озиқ-овқат таъминоти билан таъминланади.

28-модда. Божхона органлари ходимларини уй-жой майдони билан таъминлаш

Уй-жой олишга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож деб топилган божхона органлари ходимлари уй-жой майдони олиш ҳуқуқига эга.

Божхона органлари хизмат уй-жой фондиди ташкил этиши мумкин.

Божхона органлари ходимларига турар жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун пуллик компенсация тўланади.

Божхона органлари ходимларига узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар олиш ва якка тартибда уйлар қуриш учун ер участкалари олиш ҳуқуқи берилади.

29-модда. Божхона органлари ходимларининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

Божхона органлари ходимларининг ёки уларнинг яқин қариндошларининг мол-мулкига хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлиқ ҳажмда қопланади, ушбу сумма кейинчалик айбдор шахслардан ундириб олинади.

30-модда. Божхона органлари ходимларининг давлат пенсия таъминоти

Божхона органлари ходимлари, боқувчисини йўқотган тақдирда эса уларнинг оила аъзолари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда давлат пенсия таъминотини олиш ҳуқуқига эга.

31-модда. Божхона органлари ходимларининг давлат суғуртаси

Божхона органларининг ходимлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан давлат томонидан мажбурий суғурта қилинади.

32-модда. Божхона органларининг ходимларига ва уларнинг оилаларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси божхона органларининг хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган ходимларига, шунингдек ҳалок бўлганларнинг оилаларига бир маротабалик нафақа тайинлашга ҳақли.

Қонун ҳужжатларида хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган божхона органлари ходимларининг фарзандларига уларни божхона органларидаги хизматга ва Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилишда афзалликлар берилиши мумкин.

6-боб. Яқунловчи қоидалар**33-модда. Божхона органларининг рамзлари**

Божхона органлари байроқ ҳамда фарқлаш белгисига эга бўлиши мумкин.

Божхона органларининг байроғи ҳамда фарқлаш белгиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

34-модда. Божхона органларининг молиялаштирилиши ва моддий-техника таъминоти

Божхона органларининг молиялаштирилиши ва моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Божхона органлари ходимлари бепул формали кийим-бош билан таъмин-

ланади. Ашёвий таъминот нормалари, шунингдек формали кийим-бошни кийиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

Божхона органларида бюджетдан ташқари жамғарма ташкил этилиши мумкин.

Божхона органларининг ходимлари хизмат мажбуриятларини бажаришда махсус транспорт воситаларидан, шу жумладан божхона органларига тегишлиликни билдирувчи махсус ёруғлик сигналларига ва товушли сигналларга, бўёқли рангли график схемага эга бўлган транспорт воситаларидан, шунингдек бошқа махсус воситалардан фойдаланади.

Божхона органларининг моддий-техника ва транспорт таъминотидан фойдаланиши тартиби, шунингдек уларнинг нормалари ҳамда лимитлари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

35-модда. Халқаро ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ бошқа давлатларнинг божхона органлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ўз ваколатига тааллуқли масалалар бўйича ҳамкорликни амалга оширади.

36-модда. Божхона органлари ходимларининг жавобгарлиги

Божхона органи ходими ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, шунингдек хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги учун қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Божхона органи ходимининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрни божхона органлари томонидан бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади, ушбу сумма кейинчалик айбдор шахсдан ундириб олинади.

Божхона органлари ходимлари хизмат интизомини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Божхона органларининг интизомий уставига мувофиқ жавобгар бўлади.

Божхона органи ходимининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари камситилишига сабаб бўлди деб ҳисобловчи жисмоний ёки юридик шахс ушбу ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёхуд судга шикоят қилишга ҳақли.

37-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат божхона хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ўзбекистон Республикасининг давлат божхона хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

828 Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида*

Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашини кучайтириш, шунингдек, меҳнатига кам ҳақ тўланадиган ходимлар иш ҳақи миқдорини жадал равишда оширишни таъминлаш мақсадида:

1. 2018 йилнинг 1 ноябидан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори 1,1 баравар оширилсин.

2. 2018 йилнинг 1 ноябидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 202 730 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 396 500 сўм;

бололикдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 396 500 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 243 300 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилансинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2018 йилнинг 1 ноябидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг куйи разрядлари тариф коэффициентларини ўртача 10 фоизга, шу жумладан, 1-разряд бўйича 15 фоизга, 2-разряд бўйича 10 фоизга ва 3-разряд бўйича 5 фоизга ошириш орқали меҳнатига кам ҳақ тўланадиган ходимларнинг иш ҳақи миқдорининг жадал равишда оширилишини кўзда тутган ҳолда 2019 йил 1 январдан Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини қайта кўриб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан сақланадиган ташкилотларда банд бўлган универсал касблар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга доир разрядларни танқидий кўриб чиқсин ва 2019 йил 1 январидан уларнинг янгиланганларини жорий этсин;

халқаро молиявий институтлар билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлаш

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 октябрда эълон қилинган.

миқдорининг унинг натижалари, бажарилаётган меҳнат функцияларининг мураккаблиги ва масъулияти билан янада узвий боғлиқлигини таъминлашни назарда тутадиган Бюджет ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш концепциясининг ишлаб чиқилишини ва 2019 йил 1 сентябрга қадар муддатда киритилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилаётган ташкилотлар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

6. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларга иш ҳақининг қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорларини энг кам иш ҳақиға мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Халқ депутатлари кенгашларига мазкур Фармоннинг қабул қилинишидан сўнг қўшимча харажатларни қоплаш учун тегишли бюджетлар параметрларига ўзгартириш киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ–5469-сон Фармони унинг 6-банди истисно қилинган ҳолда 2018 йилнинг 1 ноябридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 октябрь,
ПФ–5553-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**829 Тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш, тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз ишлаб чиқаришини мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган илғор замонавий ускуналар билан таъминлашга қаратилган самарали рағбатлантириш тизимини яратиш мақсадида:

1. 2020 йилнинг 1 январига қадар ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар тадбиркорлик субъектлари томонидан 1-иловага мувофиқ олиб кириладиган айрим турдаги товарлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида» 2017 йил 18 январдаги ПҚ–2731-сон қарорининг 4-бандига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 октябрь,
ПҚ–3970-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 15 октябрдаги
ПҚ-3970-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви
йиғимларидан ташқари) озод этиладиган айрим
турдаги товарлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Товарлар номи	ТИФ ТР коди
1.	Туяқушлар	0106 33 001 0, 0106 33 009 0
2.	Бирламчи шаклдаги этилен полимерлари	3901

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 15 октябрдаги
ПҚ-3970-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 —
2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат
дастури тўғрисида» 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон
қарорининг 4-бандига киритилаётган ўзгартиришлар**

4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ, Шуманай, Қонликўл, Тахтақўпир, Чимбой туманларида, Хоразм вилоятининг Янгиариқ ва Қўшқўпир туманларида жойлашган саноат соҳасида (автомобилларга газ тўлдирувчи компрессор станцияларидан ташқари) янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар — 2027 йилнинг 1 январига қадар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг қолган туманларида — 2022 йилнинг 1 январига қадар муддатга ягона солиқ тўловидан;

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ, Шуманай, Қонликўл, Тахтақўпир, Чимбой ва Кегейли туманларида жойлашган тадбиркорлик субъектлари Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ва фақатгина ушбу туманларда фойдаланиладиган махсус техника, асбоб-ускуна, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, металл конструкциялар учун 2020 йилнинг 1 январига қадар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Давлат божхона қўми-

таси билан биргаликда ушбу қарор доирасида божхона тўловлари бўйича имтиёз қўлланилган ҳолда олиб кириладиган товарлардан мақсадли фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

Белгилансинки, юқорида кўрсатиб ўтилган товарлардан мақсадли фойдаланилмаган тақдирда (сотиш, бепул бериб юбориш ёки ўзгага беришнинг бошқа шакли), божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан тўланмаган божхона тўловлари суммаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий санкциялар қўлланилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундирилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

830 Ўзбекистон Республикасида тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, тез тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида қўйилган вазифаларни тўлиқ бажаришга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликлар сақланиб қолаётганлиги қайд этилсин.

Жумладан, республикада тез тиббий ёрдам хизматини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш юзасидан қабул қилинган бир нечта қарорларнинг натижалари бугунги кунга қадар сезилмаяпти. Тез тиббий ёрдам чақирувларини қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш эскича, қўл механизмлари ёрдамида бажарилмоқда.

Тез тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида беморларнинг касалхонага етиб боргунга қадар вафот этиши кўпайиб бормоқда, Тошкент, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида эса ўлим сони икки баравардан тўрт бараваргача ошган.

Мурожаатларни саралашнинг амалдаги тартиби мавжуд куч ва воситаларни энг муҳим чақирувларга хизмат кўрсатиш учун йўналтириш имконини бермайди, натижада ёлғон чақирувлар сони ошмоқда ёки сурункали касалликлари авж олган, бироқ ҳаёти хавф остида бўлмаган беморларга хизмат кўрсатилмоқда.

Ажратилаётган бюджет маблағлари зарур сифатда тез тиббий ёрдам кўрсатиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш имконини бермаяпти.

Тез тиббий ёрдам хизматини жадал ривожлантириш, унинг молиявий

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 октябрда эълон қилинган.

барқарорлигини таъминлаш, бу йўналишда тезкор, технологик ва самарали фаолият кўрсатишга эришиш мақсадида:

1. Шошилинч ёрдамга муҳтож ҳар бир кишига юқори сифатли тиббий хизматларни ўз вақтида кўрсатиш тез тиббий ёрдам хизматининг устувор вазифаси деб ҳисоблансин.

2. Тез тиббий ёрдам хизматини ривожлантиришга амалий қўмаклашиш ва унинг моддий-техника базасини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар 2019 йил 1 январдан бошлаб Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушадиган маблағларни 29 фоиздан 10 фоизга камайтирган ҳолда, мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўлов суммасининг 19 фоизи;

халқаро ва хорижий молия институтларининг, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларнинг грантлари ва техник қўмак маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан тушган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хайрия маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.

Жамғарманинг маблағлари қуйидагиларга сарфланиши белгилаб қўйилсин:

тез тиббий ёрдам хизматининг махсус автотранспортини харид қилиш ва транспорт паркни ўз вақтида янгилаш, шунингдек, уларни замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, эҳтиёт қисмлар ва сарфланадиган материалларни харид қилиш;

тез тиббий ёрдам хизматининг ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш ва амалиёт ўташини, шу жумладан хорижий давлатларнинг илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасаларида амалиёт ўташини ташкил этиш;

тез тиббий ёрдам хизмати ходимларига устамалар, мукофот пуллари ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни тўлаш;

тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

Тез тиббий ёрдам хизматини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан молиялаштиришнинг амалдаги тартиби ва ҳажмлари сақлаб қолинсин.

Жамғарманинг маблағларини бошқариш ва тақсимлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) ҳайъати қарори асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

4. Вазирлик белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича махсус автотранспорт воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, тиббиёт ускуналари ва сарфланадиган материаллар, компьютер техникаси, алоқа

воситалари, техник ўқитиш воситалари, адабиётлар ва тез тиббий ёрдам хизмати учун зарур бошқа моддий-техника ресурслар учун 2022 йил 1 январгача бўлган муддатда божхона тўловларидан озод этилсин (божхона йиғимлари бундан мустасно).

5. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

Жамғарма тўғрисидаги низомни ҳамда Жамғарма даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартибини;

Жамғарманинг 2019 йилга мўлжалланган харажатлар сметасини, шу жумладан, ушбу қарорни ижро этиш учун зарур маблағларни назарда тутилган ҳолда, тасдиқласин.

6. Қўйидагилар:

2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастури 1-иловага* мувофиқ;

Тез тиббий ёрдам хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг намунавий индикаторлари 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки:

тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам баҳоланиши ва Вазирликнинг веб-сайтида эълон қилиб борилиши лозим;

баҳолаш натижалари тез тиббий ёрдам хизмати ходимларини моддий рағбатлантириш учун асос бўлади, шунингдек, хизмат муассасаларини раҳбар кадрлар билан тўлдиришда ҳисобга олинади.

7. Вазирлик:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси (кейинги ўринларда — Миллий палата) билан биргаликда икки ой муддатда Тез тиббий ёрдам хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг намунавий индикаторларини ҳисобга олган ҳолда тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва методикасини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Фавқулудда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК билан биргаликда тез тиббий ёрдам хизматини 2020 йилдан бошлаб авиация техникаси билан жиҳозлаш ва (ёки) авиация хизматларини харид қилиш, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида харид қилиш бўйича таклифларни 2019 йил 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

чақирувлар тузилмасидан, тез тиббий ёрдам бригадалари томонидан кўрсатиладиган ёрдам ҳажми ва хусусиятидан келиб чиқиб, фельдшерлик бригадалари улушини оширган ҳолда тез тиббий ёрдам хизматини 2019 йил якунига қадар қайта тузиб чиқсин;

икки ой муддатда республиканинг айрим ҳудудлардаги тез тиббий ёр-

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дам хизматини бошқариш ҳуқуқини давлат-хусусий шерикчилиги асосида инвесторларга ўтказиш бўйича аниқ таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Вазирликнинг Шошинч тиббий ёрдам ўқув марказини Республика шошинч тиббий ёрдам ўқув-машғулот маркази этиб (кейинги ўринларда — Марказ) қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, Марказ тиббиёт ходимлари этиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш соҳасида кадрларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича базавий методик муассаса ҳисобланади.

9. Қўйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

авария-қутқарув хизматлари, давлат органлари ва ташкилотлари, бошқа юридик шахслар ходимларини, шунингдек, фуқароларни шошинч тиббий ва тиббиёт ходимлари этиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш кўникмаларига ўқитиш, қайта ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш;

шифохонагача тиббий ёрдам кўрсатиш шакллари ва методларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш;

шошинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари этиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

шошинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари этиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини такомиллаштириш;

шошинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари этиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича бошқа муассасаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятида методик ёрдам кўрсатиш;

шошинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари этиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш соҳасида семинар-тренинглар, мастер-класслар, вебинарлар ва телекўприклар ташкил этиш, шу жумладан етук хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда ташкил этиш;

шошинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари этиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш соҳасида хорижий илмий-тадқиқот ва ўқув марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, ушбу йўналишда грантлар ва техник қўмак маблағларини жалб қилиш.

10. Юклатилган вазифалар доирасида Марказга қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, давлат тиббиёт ташкилотларидан Марказ ваколатига кирадиган масалалар бўйича зарур ахборотни, статистик ва архив маълумотларини белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида филиалларни ташкил этиш;

давлат органлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлар мутахассисларини, шунингдек, бошқа экспертларни, шу жумладан хорижий экспертларни таълим жараёнига шартнома асосида жалб қилиш.

11. Шошилинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш кўникмалари ўқитиладиган курслардан ўтиш учун Республика шошилинч тиббий ёрдам ўқув-машғулот марказига юбориладиган давлат органлари ва давлат улушига эга бўлган ташкилотлар ходимларининг контингенти 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминлаб туриладиган вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ўз ходимларини Марказда ўқитиш учун ҳар йилги бюджетдан маблағ ажратилишини назарда тутсин.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ ўз ходимлари ва инструкторларини ўз маблағлари ҳисобидан ҳар йили ўқишга юборсин.

Тез тиббий ёрдам хизмати бригадаларининг ҳайдовчилари Марказда шошилинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш кўникмалари ўқитиладиган курслардан Жамғарма маблағлари ҳисобидан ўтиши белгилаб қўйилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Вазирлик билан биргаликда Марказдаги таълим жараёни, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифати устидан мунтазам назорат ва мониторинг ўрнатсин.

14. Вазирлик Тошкент вилояти ҳокимлиги ва «Чорвоқ» эркин туристик зонаси дирекцияси билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар «Чорвоқ» эркин туристик зонаси ҳудудида тез тиббий ёрдам хизмати парамедиклари фаолиятини ташкил этиш бўйича қуйидагиларни назарда тутган синов лойиҳасини амалга оширсин:

парамедиклар томонидан фуқароларга кеча-кундуз узлуксиз юқори ма-лакали тез тиббий ёрдам кўрсатиш;

тез тиббий ёрдам хизматининг аҳолига имкон қадар яқинлаштирилишини ҳисобга олиб, парамедиклар кучларини мувофиқлаштирилган ҳолда жойлаштириш ва бошқаришнинг самарали механизмини жорий этиш;

фуқароларнинг ёки ички ишлар, фавқулодда вазиятлар органларининг тегишли хизматлари, давлат органлари ва ташкилотлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳўжалик юритувчи субъектларнинг чақирувлари бўйича воқеа жойига тез етиб келишни таъминлаш;

тез тиббий ёрдам хизматининг бошқа бригадалари билан оператив ҳамкорлик қилиш механизмини жорий этган ҳолда фуқаролар ва туристлар тўпланадиган жойларда парамедиклар патруллик қатновларини йўлга қўйиш.

15. Вазирлик:

2019 йил 1 февралга қадар парамедиклар томонидан тез тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2019 йил 1 апрелга қадар Марказда зарур миқдордаги фельдшерларни парамедиклар ихтисослигига ўқитишни, шу жумладан шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги етук хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўқитишни таъминласин;

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2019 йил якуни бўйича тез тиббий ёрдам хизматида парамедиклар фаолиятини кенгайтириш бўйича асослантирилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда:

а) 2019 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳрида, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб республиканинг қолган ҳудудларида тез тиббий ёрдам бошқармасининг қуйидаги имкониятларга эга автоматлаштирилган тизимини (кейинги ўринларда — автоматлаштирилган тизим) яратсин ва фойдаланишга топширсин:

аҳолининг чақирувларини қабул қилиш ва рўйхатга олиш, устунлик тартибида хизмат кўрсатиш лозим бўлган чақирувларни автоматик белгилаш;

махсус автотранспорт ҳаракатини бошқариш, шу жумладан GPS-навигациядан фойдаланган ҳолда, кейинчалик босқичма-босқич рақамли радиоалоқага ўтиш орқали автотранспорт ҳаракатини мониторинг қилиш;

тез тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган шахслар жойлашган жойни телефон (мобил) алоқаси орқали автоматик аниқлаш;

тез тиббий ёрдам ёрдам бригадаларини мобиль иловалар ёрдамида, шу жумладан имкониятлари чекланган шахслар учун чақириш;

фойдаланиладиган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ҳисобга олиш;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларни шошилиш хизматларининг ахборот тизимлари билан бирлаштириш;

фуқаролар томонидан тез тиббий ёрдам станциялари фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг рейтингини юритиш;

б) Тез тиббий ёрдам хизмати станцияларининг Call-марказларини нормативларга мувофиқ тўлиқ жиҳозлаш учун 2018 йил якунига қадар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджетлари маблағлари ҳисобидан қўшимча телефон линиялари (рақамлари) ажратилишини таъминласин.

Белгилаб кўйилсинки:

автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқиш ва унга хизмат кўрсатиш, техник қўллаб-қувватлаш ва кейинчалик модернизациялаш бўйича буюртмачининг функциялари Вазирликка юклатилади;

автоматлаштирилган тизимнинг техник ва лойиҳаолди ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан тайёрланади;

ушбу бандда назарда тутилган тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шошилиш тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2838-сон қароридан белгиланган ҳажмлар ва манбаларда молиялаштирилади.

Вазирлик Жамғарма маблағлари ҳисобидан автоматлаштирилган тизимни фойдаланишга топшириш назарда тутилган муддатларда ички локал-ҳисоб-

лаш тармоқлари яратилишини ҳамда тез тиббий ёрдам хизмати бўлинмаларини зарур ускуналар ва анжомлар, шу жумладан GPS-навигаторлар ва алоқа воситалари билан жиҳозланишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда (ёки) унинг ҳудудий бўлинмалари буюртманомалари бўйича тез тиббий ёрдам хизмати станцияларининг Call-марказларини телефон линиялари (рақамлари) билан таъминлаш учун маҳаллий бюджетдан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

17. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов — тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш, махсус автотранспорт харид қилиш ва транспорт паркни ўз вақтида янгилаш, шунингдек замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиқов — автоматлаштирилган тизимнинг техник ва лойиҳаолди ҳужжатларини сифатли ва ўз вақтида тайёрлаш, ушбу тизимни яратиш ва фойдаланишга топшириш, шунингдек, тез тиббий ёрдам хизмати эҳтиёжлари учун телефон линиялари (рақамлари) ажратиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.А. Абдуҳакимов — вазирлик ва идораларни улар зиммасига юкланган вазифаларни лозим даражада бажариши учун самарали мувофиқлаштириш, шунингдек, ушбу қарорни амалга ошириш жараёнини мунтазам равишда кўриб бориш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

18. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда икки ой муддатда:

тез тиббий ёрдам бригадалари учун фельдшерларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув дастурларини;

тез тиббий ёрдам чақирувларининг шошиличилигига қараб жойлаштириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) 2019 йил 1 январга қадар:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб республиканинг тиббий касб-хунар коллежларида тез тиббий ёрдам бригадалари учун фельдшерларни тайёрлаш бўйича махсус ўқув дастурларини жорий этиш чораларини кўрсин;

санитар авиация шаклида шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини тасдиқласин;

в) қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов, Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 16 октябрь,
ПҚ-3973-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

831 Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат яратиш занжирини ривожлантириш» лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Республикада мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат яратиш занжирини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида» 2017 йил 2 мартдаги ПҚ-2813-сон қарори ижроси доирасида:

Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки ўртасида 154,0 млн. АҚШ доллари миқдоридagi «Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат яратиш занжирини ривожлантириш» лойиҳасини (кейинги ўринларда — лойиҳа) 2017 — 2021 йилларда амалга оширишга мўлжалланган Қарз битими имзолангани;

ўтган икки йил давомида 151,0 млн. АҚШ доллар миқдоридagi кредит линиялари учун ажратилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилган, шунингдек, лойиҳани бошқариш ва мониторинг қилиш учун 3,0 млн. АҚШ доллар ажратилгани;

ажратилган маблағлар ҳисобидан 161 та фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан: 137 гектар майдонда томчилатиб суғориш тизимлари ҳамда замонавий иссиқхоналарни жорий этиш билан

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 октябрда эълон қилинган.

3370 гектар майдонда интенсив боғлар; 67 минг тонна сифимга эга бўлган 58 та совутиш омборлари, йиллик қуввати 121 минг тоннага тенг бўлган 28 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш линиялари ҳамда 3500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилгани;

Осиё тараққиёт банки Директорлар кенгашининг 2018 йил 14 июнда қўшимча 198,0 млн. АҚШ доллари миқдорида лойиҳани қўшимча молиялаштириш учун, 5 йил имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда, тўлаш муддати 25 йил бўлган қарзни Ўзбекистон Республикасига тақдим этилишини маъқуллагани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

«Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат яратиш занжирини ривожлантириш» лойиҳасининг тузатиш киритилган техник-иқтисодий асослари асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан бирга 1-иловага* мувофиқ;

«Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат яратиш занжирини ривожлантириш» лойиҳасини қўшимча молиялаштириш доирасида ажратиладиган Осиё тараққиёт банки қарзига хизмат кўрсатиш схемаси 2-иловага* мувофиқ;

«Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат яратиш занжирини ривожлантириш» лойиҳасини қўшимча молиялаштириш доирасида Осиё тараққиёт банкининг қарзини узиш, улар бўйича фоизлар ва комиссиялар тўлаш прогноз жадвали 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки ўртасидаги «Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат яратиш занжирини ривожлантириш» лойиҳасини қўшимча молиялаштириш бўйича қарз битимини Ўзбекистон Республикаси номидан имзолаш ваколати берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки ўртасидаги «Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат яратиш занжирини ривожлантириш» лойиҳасини қўшимча молиялаштириш юзасидан қарз битими бўйича белгиланган тартибда ҳуқуқий хулоса берсин.

5. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига — Осиё тараққиёт банки қарзига маблағларни ўз вақтида ажратишни ва унга тегишли равишда хизмат кўрсатишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмуродов зиммасига — Осиё тараққиёт банкининг қарз маблағларини ўз вақтида ва самарали ўзлаштирилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари С.Р. Холмуродов ва Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Г.К. Саидова зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 16 октябрь,
ПҚ-3974-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 16 октябрдаги
ПҚ-3974-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида»ги 2017 йил 2 мартдаги ПҚ-2813-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

а) 2-бандда:

учинчи хатбошидаги «Министерство сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан» сўзлари «Агентство по реализации проектов в области агропромышленного комплекса и продовольственного обеспечения» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

б) 3-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

в) 6-банднинг учинчи хатбошидаги «Агентством по реструктуризации сельскохозяйственных предприятий при Министерстве сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан» сўзлари «Агентством по реализации проектов в области агропромышленного комплекса и продовольственного обеспечения» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 9 ва 10-бандлардаги «Министерства сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан» сўзлари «Агентства по реализации проектов в области агропромышленного комплекса и продовольственного обеспечения» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 1-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш»

лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2016 йил 29 ноябрдаги ПҚ–2663-сон қарори рус тилидаги матнининг 2-бандида:

тўртинчи хатбошидан «в иностранной валюте» сўзлари чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошидаги «осуществляются только в свободно конвертируемой валюте» сўзлари «могут осуществляться как в иностранной, так и в национальной валюте» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

832 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказини ташкил этиш тўғрисида*

Орол денгизининг қуриб қолган қисмидаги шўрланган ерларда илмий-тадқиқот ва амалий ишлар кўламини кенгайтириш, экотизимни яхшилаш ҳамда муносиб ҳаёт фаолиятини таъминлаш, тадқиқотлар ва инновацияларнинг илгор тажрибаларини жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг:

Ислон тараққиёт банки ва Шўрланиш шароитида биодехқончилик халқаро марказининг (ИСВА) илмий-техник кўмагида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказини (кейинги ўринларда — Халқаро инновация маркази);

Халқаро инновация маркази ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Оролбўйида инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Халқаро инновация марказининг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Орол денгизининг қуриб қолган қисмидаги шўрланган ерларда экотизимни яхшилаш ҳамда муносиб ҳаёт фаолиятини таъминлаш;

шўрланган тупроқли мухитдаги турли муаммоларни ҳал этиш мақсадида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

синовлар ўтказиш учун тажриба далаларини ташкил этиш;

инновацион технологиялар ва ёндашувларни, жумладан, агроўрмон мелиорацияси, саҳрони дарахтзорга айлантириш, сув ости экинлари, биоэнер-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 октябрда эълон қилинган.

гетика, экинлар диверсификацияси, экинлар комплексини етиштириш, чорвачилик, яйловларни ривожлантириш, қурғоқчиликни бошқариш ва унинг оқибатларини юмшатиш, иқлим ўзгаришларига мослашувчанликни белгилаш, илгари суриш ва тақдим этиш;

Орол қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Орол денгизи ҳавзасини экологик соғломлаштириш соҳасида давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш.

3. Белгилансинки:

Халқаро инновация маркази давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс бўлиб, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилигида шахсий ҳисоб varaқларига, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида миллий ва хорижий валюталарда талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб varaқларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга;

Халқаро инновация маркази директори Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Халқаро инновация маркази ходимларига Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлар бўйича ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази ижро аппаратининг тузилмаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги бир ой муддатда Шўрланиш шароитида биодехқончилик халқаро маркази (ICBA) ва Ислом тараққиёт банки вакилларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Оролбўйида инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари;

Шўрланиш шароитида биодехқончилик халқаро маркази (ICBA) томонидан ажратилган (in-kind) маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган грант танловлари натижаларига кўра ажратиладиган маблағлар;

Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва Ислом тараққиёт банки томонидан лойиҳаларни молиялаштиришга ажратиладиган маблағлар;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари;

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмаган шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Белгилансинки:

а) Оролбўйида инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағлари Халқаро инновация маркази фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилади, шу жумладан:

Орол денгизининг қуриб қолган тубидаги шўрланган тупроқли ерларда экотизимни ва барқарор ҳаёт фаолиятини ривожлантириш, синовлар ўтказиш учун тажриба далаларини яратиш;

Орол денгизининг қуриб қолган қисмида ўрмон яратиш учун кўчатларнинг юқори унумдор уруғларини тайёрлаш;

курфоқчиликни бошқариш ва унинг оқибатларини юмшатиш, иқлим ўзгаришларига мослаштириш, шунингдек, бу соҳада давлат-хусусий шерикчиликни ташкил этиш ва унинг имкониятларини кенгайтириш бўйича тадбирлар;

халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик бўйича ишларни ташкил этиш;

Халқаро инновация марказини замонавий юқори технологияли ускуналар билан жиҳозлаш, зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш;

Халқаро инновация марказини жорий, моддий-техник таъминлаш ҳамда ходимларини моддий рағбатлантириш;

б) Халқаро инновация маркази фаолиятини бошланғич босқичда (2018 йилда ва 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида) молиялаштириш Халқаро инновация маркази томонидан тақдим этилган асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

7. Халқаро инновация маркази директорида қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Халқаро инновация марказининг тузилмасига ривожланиш устуворлигидан келиб чиққан ҳолда бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа қўшимча ҳақ ва устама-лардан қатъи назар, Халқаро инновация марказининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ходимларга асосий эгаллаган лавозими бўйича лавозим маошига (тариф ставкаларига) устамалар белгиланган.

8. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Нукус давлат ўрмон хўжалигига тегишли бўлган Нукус тумани, «Саманбай» қишлоқ фуқаролар йиғини манзили бўйича жойлашган лаборатория биноси ва унга туташ 4 гектар ҳудудни Халқаро инновация марказига беғараз топшириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш ва тажриба далаларини ташкил этиш учун лаборатория биносига туташ ҳудуддан Халқаро инновация марказига 20 гектар ер участкаси ажратилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникация-

ларини ривожлантириш вазирлиги белгиланган тартибда Халқаро инновация марказини зарур алоқа ва глобал Интернет тармоғидан кенг поласали фойдаланиш имконияти билан таъминласин.

10. 2021 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга:

Халқаро инновация маркази барча турдаги солиқларни тўлашдан;

Оролбўйида инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан республикада ишлаб чиқарилмайдиган ҳамда белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган илмий-лаборатория асбоб-ускуналари, реагентлар ва сарфлаш материаллари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

Шўрланиш шароитида биодехқончилик халқаро марказининг (ICBA) ваколатхонасини белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказишни таъминласин;

Халқаро инновация марказининг буюртманомаларига асосан ушбу марказда ишлаш учун жалб этилаётган хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Халқаро инновация марказининг буюртманомаларига асосан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий мутахассисларга давлат божи тўлашдан озод этган ҳолда кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Халқаро инновация маркази буюртмаларига асосан зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида хорижий мутахассисларни республикага жалб этиш учун белгиланган тартибда рухсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда:

Амалий йўналтирилганлик ва натижадорликка алоҳида эътибор қаратган Халқаро инновация марказининг илмий-тадқиқот ишларини самарали мувофиқлаштиришни, уларнинг замонавий фан ва жаҳон илмий ютуқлари даражасига мувофиқлигини таъминласин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига оммавий ах-

борот воситаларида ушбу қарорнинг мақсад ҳамда вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ва мавзуга оид кўрсатувларни мунтазам ташкил этиш тавсия этилсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р. Холмуродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 16 октябрь,
ПҚ-3975-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**833 Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга
чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида***

Мамлакат экспорт салоҳиятини кенгайтириш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг тўлақонли ривожига тўсқинлик қилаётган ғовларни бартараф этиш, экспорт фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини такомиллаштириш, шунингдек, маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқаришнинг комплекс тизимини ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг қўйидаги тартибни белгилаш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

юридик шахслар — мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилари мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини дастлабки тўловсиз, аккредитив очмасдан, банк кафолатини расмийлаштирмасдан ҳамда экспорт шартномасини сиёсий ва тижорат хавфларидан суғурта полисисиз амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 октябрда эълон қилинган.

юридик шахслар — мева-сабзавот маҳсулотлари экспортдан тушумларни ўз вақтида таъминламаган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилари мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда 100 фоизлик олдиндан тўлов олиш талаблари уларга қўлланган ҳолда ноҳалол мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилар реестрига киритилдилар;

тадбиркорлик субъектлари улгуржи савдо қилиш лицензиясига эга бўлмасдан мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Бунда якка тартибдаги тадбиркорларнинг мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт тушумларига ягона солиқ тўлови тўланишини назарда тутувчи солиққа тортиш тартиби қўлланилади;

экспорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари божхона кўригидан ўтказилмайди, божхона қонун ҳужжатлари бузилиши хавфи белгилари аниқланган ҳолатлар бундан мустасно. Бунда ҳужжатларда мавжуд маълумотларнинг ишончилиги, шунингдек, товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтиш учун экспорт қилувчи жавобгардир;

тадбиркорлик субъектлари ўзларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида суғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича инфратузилма объектлари қуриш учун енгил конструкцияларни қуриш юзасидан қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишлари мумкин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида суғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича инфратузилма объектлари қуриш учун енгил конструкцияларни қуриш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар муддатда мазкур қарорнинг 1-банди талабларини ҳисобга олган ҳолда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими такомиллаштирилишини таъминласин.

3. Белгилансинки, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилари ваколатли давлат органларига товар-йўл ҳужжатларидаги мева-сабзавот маҳсулотлари бўйича ҳақиқатда амалга оширилган экспорт операциялари юзасидан ишончли маълумотлар тақдим этганликлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортдан тушадиган тушумлар муддатларини бузганликлари учун жавобгардирлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигига қуйидаги қўшимча функциялар юклатилсин:

мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш;

салоҳиятли ҳамкорлар излаш, аъъанавий ва янги сотиш бозорларига

чиқиш учун имкониятлар яратиш, шунингдек, зарурат бўлганда экспорт шартномаси бажарилишини услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини амалга оширишга амалий ёрдам кўрсатиш;

ташқи бозорларда мева-сабзавот маҳсулотларининг нарх конъюнктурасини тизимли асосда ўрганиш, шу жумладан, ҳудудларга чиққан ҳолда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар билан ҳар ойда учрашувлар ўтказиш, шунингдек, ўрганиш натижалари, хусусан, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт нархлари даражаси тўғрисидаги маълумотларнинг ўз расмий веб-сайти ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чоп этилишини ташкиллаштириш;

ҳар ойда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчиларга асосий сотиш бозорлари бўйича таҳлил натижалари ва прогнозларини, хусусан, нарх конъюнктурасининг ўзгаришлари, белгиланган пунктлар кесимида юклаш ҳажмлари ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини импорт қилишда техник талаблар тўғрисидаги маълумотларни ўз расмий веб-сайти ва бошқа оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш орқали тақдим этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил икки ҳафта муддатда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчилар ҳамда экспорт қилувчиларга Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар уюшмасини ташкил этишларига кўмаклашсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 мартга қадар Интернет тармоғида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан «TradeUzbekistan.com» электрон савдо майдончаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг ахборот тизимлари билан интеграциялашган, шу жумладан:

мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар, салоҳиятли импорт қилувчилар, янги узилган, қуритилган ҳамда қайта ишланган экспортга йўналтирилган мева-сабзавот маҳсулотлари турлари ва ҳажмлари, мева-сабзавот маҳсулотлари учун кўчатлар, уруғлар ҳамда ўғит етказиб берувчилар тўғрисидаги маълумот акс этувчи;

экспортга йўналтирилган мева-сабзавот маҳсулотларининг турлари, ҳажмлари, суммаси ва етиштириш ҳудудлари кесими тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, экспорт жараёнининг барча босқичларини реал вақт режимида кузатиш имконини берувчи Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар ахборот порталини ишлаб чиқсин ва ишга туширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, бошқа масъул вазирлик ва идоралар Мева-сабзавот

маҳсулотларини экспорт қилувчилар ахборот порталига доимий асосда ўз вақтида зарур маълумотлар киритилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

масъул вазирлик ва идоралар томонидан тегишли маълумотларнинг Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар ахборот порталига ўз вақтида киритилиши устидан мониторингни амалга оширсин;

Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар ахборот порталини такомиллаштириш, узлуксиз фаолият кўрсатиши ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан доимий асосда чоралар кўрсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, давлат органларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари мева-сабзавот маҳсулотлари экспортига экспорт қилувчининг ҳудудий мансублигига қараб тўсқинлик қилганлиги учун шахсан жавобгарлиги тўғрисида қатъий огоҳлантирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар етакчи хорижий компаниялар билан музокаралар олиб борсин ва яқунлари бўйича республика бўйлаб ҳамда чет элда маҳаллий мева-сабзавотларни реализация қилиш замонавий транспорт-логистика мажмуалари — «хаб»ларни ўз ичига олган савдо майдончаларини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартларида яратиш бўйича дастлабки лойиҳасини ишга тушириш борасида аниқ таклифлар киритсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Иқтисодий вазирлиги билан биргаликда 2018 йил якуни бўйича экин майдонларини оптималлаштириш доирасида, жумладан, қисқартирилаётган пахта ва дон экинлари майдонлари негизда яратилаётган, мева-сабзавотларни етиштириш, тайёрлаш, саралаш, калибрлаш, қадоқлаш ва экспортга йўналтиришга мўлжалланган кластерларнинг манзилли рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги республикада мева-сабзавот етиштириш бўйича кластер тизимининг ҳолатини, жумладан, илғор хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда, чуқур таҳлил қилсин, натижаси юзасидан 2019 йил 1 декабрга қадар кластерлар самарали фаолият юритишида мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ва ушбу соҳани янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритсин.

11. «Ўзстандарт» агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда «Global GAP», «Halal» ва «Organic» стандартлари талабларига мувофиқликка сертификатлаштириш бўйича халқаро тан олинган ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўзбекизоқиқ-овқатхолдинг» ХК билан биргаликда 2019 йил 1 февралга қадар халқаро

стандартлар талабларига мувофиқ бўлган органик ва бошқа маҳсулотларни етиштиришни ривожлантириш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 мартга қадар мамлакатда «Global GAP», «Halal» ва «Organic» стандартлари талабларига мувофиқ мева-сабзавот етиштирувчи маҳаллий корхоналарни сертификатлаш бўйича мутахассисларни тайёрлашни ташкил этсин.

12. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга чиқариш бўйича замонавий логистика менежменти механизмларини жорий этиш чораларини кўрсин, жумладан:

а) «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ 2019 йил 1 январга қадар:

«ягона дарча» тамойили асосида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича темир йўл ҳужжатларини жўнаш станциясида расмийлаштириш ишларини ташкил этсин;

мева-сабзавот маҳсулотларини юклаш ва тушириш бўйича тариф ва хизматларни маҳсулот хусусиятларини инобатга олган ҳолда соддалаштириш юзасидан қайта кўриб чиқсин;

юк жўнатувчилари ва юк эгалари буюртмалари асосида юк етиб бориш муддати ва ҳаракатланиш чоғида вагоннинг жойлашган ерлари тўғрисидаги маълумотларни узатиш бўйича механизмни ишлаб чиқсин ва жорий этсин;

мева-сабзавот маҳсулоти экспорт қилувчилари учун тегишли буюртма келиб тушган кунидан бошлаб уч суткадан ошмаган муддатда вагон ажратиш тартибини жорий этсин;

б) «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК 2019 йил 1 июнга қадар мева-сабзавот маҳсулотларини вақтинчалик сақлаш жойларини тагликда қадоқлашнинг халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ва уларнинг ўтказиш қобилиятини таъминлайдиган замонавий музлатгич ва сканерловчи ускуналар билан қайта жиҳозласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда «Ўзагроэкспорт» АЖ фаолиятини танқидий ўрганиб чиқиб, унинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар киритилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ҳафта муддатда мазкур қарор талабларини ҳисобга олган ҳолда, жумладан, ноҳалол мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар реестрини юритиш тартибини назарда тутувчи Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги янгиланган низомнинг тасдиқланишини;

2019 йил 1 январига қадар мамлакатнинг чегара ҳудудларида мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилари учун замонавий ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилмалар, шунингдек, «ягона дарча» тамойили асосида зарур ҳужжатларни расмийлаштириш ва логистика хизматлари мавжуд бўлган махсус зоналарни тузиш масаласи ишлаб чиқилишини;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар товар омборхоналари томонидан бериладиган омборхона гувоҳномаларига мувофиқ мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилар ва етиштирувчилар учун тижорат банклари томонидан кредитлар бериш механизмини жорий этиш масаласи ишлаб чиқилишини;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 февралга қадар хорижда мева-сабзавот маҳсулотлари реализация қилиниши борасидаги реал ҳолатнинг, экспорт қилувчилар учун мавжуд ноқулай шароитларнинг, жумладан, улар билан мулоқот ўрнатиш орқали чуқур ўрганилишини;

2019 йил 1 мартга қадар ўтказилган ўрганишлар якуни бўйича экспорт қилувчилар учун мавжуд ноқулай шароитларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилишини ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини;

2019 йил 1 мартга қадар Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар ахборот порталини юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг тасдиқланишини таъминласин.

15. Қўйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари (Отажонов) — тармоқнинг жадал ривожланишига ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчиларнинг барқарор фаолият юритишига тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари (Мирзаев) — рақобатбардош мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишнинг диверсификация қилинишини таъминлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири (Ходжаев) — маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича экспорт қилувчиларга кўмаклашиш, шунингдек, мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтириш учун;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири (Юсупов) — табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва инновацион технологияларни жорий этиш, жумладан, интенсив етиштириш технологияларини қўллаш асосида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳамда экспорт қилиш ҳажмини оширишни таъминлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси (Азимов) — экспорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотларини божхона ҳужжатларини ўз вақтида расмийлаштириш, шунингдек, ноҳалол мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар реестри юритилишни таъминлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси бошлиғи (Иргашев) — экспорт қилинувчи мева-сабзавот маҳсулотларининг лаборатория экспертизаси ва карантин текширувини ўз вақтида таъминлаш учун;

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ (Сагдуллаев) ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК (Ҳакимов) раҳбарлари — мева-сабзавот маҳсулотларини ўз вақтида ва сифатли чет элга етказиб бериш учун халқаро стандартларга мос инфратузилма яратиш учун;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари — мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва экспорт қилувчилари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш, мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, саралаш, калибрлаш, қадоқлаш ва экспортга жўнатиш кластер тизимини жорий этишга қўмаклашиш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси мазкур қарор талаблари ижросини тизимли назорат қилиб борсин ва айбдор шахсларга нисбатан қатъий жавобгарлик чораларини қўлласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Н.С. Отажонов ва З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 октябрь,
ПҚ-3978-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ****834 Электрон тижоратни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3724-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги 185-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 6-сон, 46-модда) билан тасдиқланган Электрон тижоратни амалга ошириш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиков зиммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Электрон ҳукумат, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 октябрь,
825-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 октябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 13 октябрдаги 825-сон қарорига
ИЛОВА

Электрон тижоратни амалга ошириш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 47-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«товарларни етказиб бериш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган етказиб бериш хизмати хизматларидан фойдаланиш.»

2. 48-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«48. Электрон тижоратда тўловлар қуйидаги усулларда амалга оширилади: нақд пул билан — назорат-касса аппаратидан фойдаланиш орқали нақд пул маблағлари қабул қилингани тўғрисида назорат-касса аппарати чеки ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатни мажбуран тақдим этиш, шунингдек, белгиланган тартибда инкассация қоидаларига риоя этган ҳолда, олинган пулларни хизмат кўрсатувчи банкка топширишни таъминлаш;

электрон тўлов воситалари билан — тўловларни қабул қилиш учун ҳисоб терминали ёки виртуал терминал (E-POS) орқали шахсий ва корпоратив банк карталаридан фойдаланиш орқали чакана тўлов тизимида сотувчи ва харидорга электрон тўлов чеки ёки тўловни тасдиқловчи бошқа ҳужжатни албатта тақдим этган ҳолда;

пул маблағларини банк ҳисоб рақамларидан ўтказиш йўли билан — пул маблағларини банк ҳисоб рақамларидан (шу жумладан карта ҳисоб рақамларидан) шахсий кабинет (масофавий банк ҳисоб рақамларидан хизмат кўрсатиш тизими) ёки чакана тўлов тизими орқали ўтказган ҳолда».

3. Қуйидаги мазмундаги 48¹ — 48³-бандлари билан тўлдирилсин:

«48¹. Электрон тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошираётганда харидорга касса чекини электрон шаклда (бундан кейин электрон чек) харидор кўрсатган абонент рақамига ёки электрон почта манзилига тақдим этишни таъминлаш зарур. Электрон чек назорат касса аппарати машинасидан чиқарилган қоғоз кўринишидаги чекка тенглаштирилади.

48². Етказиб бериш хизматларига сотувчининг номидан товарлар учун тўловларни қабул қилиш ҳуқуқи шартномага асосан харидор товарни сотиб олганлигини тасдиқловчи касса чеки ёки бошқа ҳужжатни тақдим этган ҳолда берилади.

48³. Товарлар миллий почта алоқаси оператори орқали етказиб берилган тақдирда товарнинг тўлови почта пул ўтказмалари устама тўлов орқали амалга оширилиши мумкин. Ушбу тўлов усулида товарни жўнатиш устама тўловли почта жўнатмалари орқали амалга оширилиши керак.

Почта жўнатмалари орқали етказиладиган ва устама тўлов қўлланилган товар харидор томонидан устама тўлов тўлиқ тўланиб, квитанция тақдим этилгандан сўнг берилади. Устама тўлов суммаларини сотувчи манзилига жўнатиш миллий почта алоқаси оператори томонидан пул маблағларини почта орқали ўтказишнинг Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган тартибда амалга оширилади».

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ****835 Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
15 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 773-37*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 июлдаги 15/3-сон қарори (рўйхат рақами 773-17, 2004 йил 13 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 32-сон, 369-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 8 сентябрь,
29/3-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
8 сентябрдаги 29/3-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия
ҳисобининг ҳисобварақлар режасига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. II бўлимда:

а) «10111 Банк биносида жойлашмаган операцион кассаларидаги нақд пуллар» баланс ҳисобварағининг номидан «Банк биносида жойлашмаган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) «12509 Жисмоний шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 12521 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«12521 Жисмоний шахсларга махсус дастурлар бўйича берилган қисқа муддатли кредитлар»;

в) «12609 Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 12621 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«12621 Якка тартибдаги тадбиркорларга махсус дастурлар бўйича берилган қисқа муддатли кредитлар»;

г) «12909 Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 12921 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«12921 Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга махсус дастурлар бўйича берилган қисқа муддатли кредитлар»;

д) «13109 Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 13121 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«13121 Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга махсус дастурлар бўйича берилган қисқа муддатли кредитлар»;

е) «14905 Жисмоний шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 14913, 14921 баланс ҳисобварақлари билан тўлдирилсин:

«14913 Жисмоний шахсларга пластик карточкалар орқали берилган узоқ муддатли кредитлар

14921 Жисмоний шахсларга махсус дастурлар бўйича берилган узоқ муддатли кредитлар»;

ж) «15005 Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 15021 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«15021 Якка тартибдаги тадбиркорларга махсус дастурлар бўйича берилган узоқ муддатли кредитлар»;

з) «15305 Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 15321 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«15321 Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга махсус дастурлар бўйича берилган узоқ муддатли кредитлар»;

и) «15505 Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 15521 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«15521 Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга махсус дастурлар бўйича берилган узоқ муддатли кредитлар»;

к) «16799 Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси — Банкнинг бошқа хусусий мулклари (контр-актив)» баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 16800, 16803, 16899 баланс ҳисобварақлари билан тўлдирилсин:

«16800 Муддати узайтирилган дебитор қарздорлик

16803 Бўлиб-бўлиб тўлаш учун сотилган банкнинг активлари

16899 — Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси — Муддати узайтирилган дебитор қарздорлик (контр-актив)»;

л) «20218 Якка тартибдаги тадбиркорларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари» баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 20294 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«20294 Норезидент — юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари»;

м) 23110 баланс ҳисобварағи номидаги «Миллий» деган сўз «Давлат» деган сўз билан алмаштирилсин.

н) 23208, 23210, 23216, 23218, 23220, 23222 баланс ҳисобварақлари номидаги «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин»;

о) 23442 баланс ҳисобварағи номидаги «инвестиция дастурларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан ва марказлашган кредитлар» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш учун марказлаштирилган манбалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

п) «23698 Чикарилган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-пассив)» баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 23700, 23702, 23796, 23798 баланс ҳисобварақлари билан тўлдирилсин:

«23700 Субординар қарз

23702 Субординар қарз

23796 Субординар қарз бўйича мукофот

23798 Субординар қарз бўйича дисконт (контр-пассив)»;

р) «54210 Чикарилган бошқа қимматли қоғозлар бўйича фоизли хара-

жатлар» баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 54222 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«54222 — Субординар қарз бўйича фоизли харажатлар».

2. III бўлимда:

а) «10111 — Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассаларидаги нақд пуллар» баланс ҳисобварағининг номи ва таърифи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

10111 — Амалиёт кассаларидаги нақд пуллар

Ҳисобварақнинг таърифи: амалиёт кассаларидаги нақд пулларнинг ҳаракати ва ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг дебитида амалиёт кассаларига келиб тушган нақд пуллар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида амалиёт кассаларидан берилган нақд пуллар акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб валюта тури ва банк биносида жойлашмаган ҳар бир амалиёт кассаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.».

б) «12509 — Жисмоний шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қуйидаги мазмундаги 12521 баланс ҳисобварағи номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«12521 — Жисмоний шахсларга махсус дастурлар бўйича берилган қисқа муддатли кредитлар

Ҳисобварақнинг таърифи: 1 йил муддатгача жисмоний шахсларга махсус дастурлар бўйича берилган кредитларнинг ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида берилган кредитлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида қопланган ва/ёки бошқа мақоми бўйича қайта таснифланган кредитлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

в) «12609 — Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қуйидаги мазмундаги 12621 баланс ҳисобварағи номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«12621 — Якка тартибдаги тадбиркорларга махсус дастурлар бўйича берилган қисқа муддатли кредитлар

Ҳисобварақнинг таърифи: 1 йил муддатгача якка тартибдаги тадбиркорларга ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжалиқларига махсус дастурлар бўйича берилган кредитларнинг (шу жумладан моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операцияларнинг) ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида берилган кредитлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида қопланган ва/ёки бошқа мақоми бўйича қайта таснифланган кредитлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

г) «12909 — Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган

шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қуйидаги мазмундаги 12921 баланс ҳисобварағи номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«12921 — Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга махсус дастурлар бўйича берилган қисқа муддатли кредитлар

Ҳисобварақнинг таърифи: 1 йил муддатгача чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга махсус дастурлар бўйича берилган кредитларнинг (шу жумладан, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операцияларнинг) ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида берилган кредитлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида қопланган ва/ёки бошқа мақоми бўйича қайта таснифланган кредитлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

д) «13109 — Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қуйидаги мазмундаги 13121 баланс ҳисобварағи номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«13121 — Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга махсус дастурлар бўйича берилган қисқа муддатли кредитлар

Ҳисобварақнинг таърифи: 1 йил муддатгача хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга махсус дастурлар бўйича берилган кредитларнинг (шу жумладан, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операцияларнинг) ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида берилган кредитлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида қопланган ва/ёки бошқа мақоми бўйича қайта таснифланган кредитлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

е) 13301, 13305, 13399, 14301, 14399, 21604 ва 22004 баланс ҳисобварақлари таърифидаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги махсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси» деган сўзлар «Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) «14905 — Жисмоний шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қуйидаги мазмундаги 14913, 14921 баланс ҳисобварақлари номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«14913 — Жисмоний шахсларга пластик карточкалар орқали берилган узоқ муддатли кредитлар

Ҳисобварақнинг таърифи: 1 йилдан ортиқ муддатга жисмоний шахсларга пластик карточкалар орқали берилган кредитларнинг (шу жумладан, моҳияти бўйича кредитлар бўлган овердрафт ва бошқа операцияларнинг) ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида берилган кредитлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида қопланган ва/ёки бошқа мақоми бўйича қайта таснифланган кредитлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

14921 — Жисмоний шахсларга махсус дастурлар бўйича берилган узоқ муддатли кредитлар

Ҳисобварақнинг таърифи: 1 йилдан ортиқ муддатга жисмоний шахсларга махсус дастурлар бўйича берилган кредитларнинг ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида берилган кредитлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида қопланган ва/ёки бошқа мақоми бўйича қайта таснифланган кредитлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

э) «15005 — Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қуйидаги мазмундаги 15021 баланс ҳисобварағи номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«15021 — Якка тартибдаги тадбиркорларга махсус дастурлар бўйича берилган узоқ муддатли кредитлар

Ҳисобварақнинг таърифи: 1 йилдан ортиқ муддатга якка тартибдаги тадбиркорларга ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжаликлари махсус дастурлар бўйича берилган кредитларнинг (шу жумладан, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операцияларнинг) ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида берилган кредитлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида қопланган ва/ёки бошқа мақоми бўйича қайта таснифланган кредитлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

и) «15305 — Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қуйидаги мазмундаги 15321 баланс ҳисобварағи номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«15321 — Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга махсус дастурлар бўйича берилган узоқ муддатли кредитлар

Ҳисобварақнинг таърифи: 1 йилдан ортиқ муддатга чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга махсус дастурлар бўйича берилган кредитларнинг (шу жумладан, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операцияларнинг) ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида берилган кредитлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида қопланган ва/ёки бошқа мақоми бўйича қайта таснифланган кредитлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

к) «15505 — Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлар-

га берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қўйидаги мазмундаги 15521 баланс ҳисобварағи номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«15521 — Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга махсус дастурлар бўйича берилган узоқ муддатли кредитлар

Ҳисобварақнинг таърифи: 1 йилдан ортиқ муддатга хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга махсус дастурлар бўйича берилган кредитларнинг (шу жумладан, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операцияларнинг) ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида берилган кредитлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида қопланган ва/ёки бошқа мақоми бўйича қайта таснифланган кредитлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

л) «16799 — Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси — Банкнинг бошқа хусусий мулклари (контр-актив)» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қўйидаги мазмундаги 16800, 16803, 16899 баланс ҳисобварақлари номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«16800 — Муддати узайтирилган дебитор қарздорлик

16803 — Бўлиб-бўлиб тўлаш учун сотилган банкнинг активлари

Ҳисобварақнинг таърифи: бўлиб-бўлиб тўланадиган банкнинг активлари ҳисоби.

Ҳисобварақнинг дебитида 16701 — «Кредит ва лизинг бўйича гаров ҳисобидан ундирилган мулк», 16703 — «Кредит ва лизинг бўйича ундирилган тугатилаётган банкрот корхоналар мулки», 16705 — «Банкнинг бошқа мулклари» ҳисобварақларидан ўтказилган мулкнинг қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида бўлиб-бўлиб тўлашга сотилган банк активларининг тўланган қиймати акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир объект (мулк) бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16899 — Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси — Муддати узайтирилган дебитор қарздорлик (контр-актив)

Ҳисобварақнинг таърифи: муддати узайтирилган банкнинг дебитор қарздорлиги бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун яратилган захира ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг кредитида ташкил этилган захира суммаси ва/ёки захиранинг ўсиш суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида захиранинг камайиш суммаси ва/ёки бекор қилинган суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб мулкнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

м) «19909 — Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар» баланс ҳисобварақининг таҳлилий ҳисоби «ҳар бир шартнома» деган сўзлардан кейин «ва/ёки ҳар бир хўжалик субъекти» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

н) «20218 — Якка тартибдаги тадбиркорларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қуйидаги мазмундаги 20294 баланс ҳисобварағи номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«20294 — Норезидент — юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари

Ҳисобварақнинг таърифи: норезидент — юридик шахсларнинг жорий мақсадларда фойдаланадиган маблағлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида норезидент — юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларига келиб тушган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида норезидент — юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир мижоз бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

о) «22622 — Юридик шахслар ўз ваколатхоналари ва филиаллари таъминоти учун ажратган маблағлар» ҳисобварағи таърифидаги «асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан» деган сўзлар «ҳисобварақларидан» деган сўз билан алмаштирилсин;

п) 23110 баланс ҳисобварағи номи ва таърифидаги «Миллий» деган сўз «Давлат» деган сўз билан алмаштирилсин;

р) 23208, 23210, 23216, 23218, 23220, 23222 баланс ҳисобварақлари номи ва таърифидаги «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

с) «23442 — Инвестиция дастурларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан ва марказлашган кредитлар ҳисобидан ажратилган бўнак маблағлар» ҳисобварағининг номи ва ҳисобварақ таърифи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23442 — Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш учун марказлаштирилган манбалар ҳисобидан ажратилган аванс маблағлар

Ҳисобварақнинг таърифи: Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларига киритилган қурилиш объектларини молиялаштириш учун марказлаштирилган манбалар ҳисобидан қурилиш ташкилотлари (бош пудратчи ва субпудратчи) ва уларга мол етказиб берувчиларга ажратилган аванс маблағларнинг ҳисоби олиб борилади.»;

т) «23698 — Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-пассив)» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қуйидаги мазмундаги 23700, 23702, 23796, 23798 баланс ҳисобварақлари номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«23700 — Субординар қарз

23702 — Субординар қарз

Ҳисобварақнинг таърифи: субординар қарз ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида субординар қарз қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида субординар қарз ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб субординар қарзнинг муддати ва турлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

23796 — Субординар қарз бўйича мукофот

Ҳисобварақнинг таърифи: субординар қарзнинг ҳақиқатда олинган қийматини (битим бўйича харажатларни ҳисобга олган ҳолда) қарзнинг сўндирилладиган суммаси ўртасидаги (ижобий фарқ) суммалари (мукофот) ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида субординар қарзнинг ҳақиқатда олинган қийматини (битим бўйича харажатларни ҳисобга олган ҳолда) қарзнинг сўндирилладиган суммаси ўртасидаги (ижобий фарқ) суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида банкнинг субординар қарзини тўлашда ва/ёки уларни кейинчалик қайта сотиш мақсадида сотиб олинганда, шунингдек амортизацияси вақтидаги мукофот суммалари ҳисобдан чиқарилади.

Таҳлилий ҳисоб субординар қарзнинг муддати ва турлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

23798 — Субординар қарз бўйича дисконт (контр-пассив)

Ҳисобварақнинг таърифи: субординар қарзнинг ҳақиқатда олинган қийматини (битим бўйича харажатларни ҳисобга олган ҳолда) қарзнинг сўндирилладиган суммаси ўртасидаги (салбий фарқ) дисконт суммалари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида субординар қарзнинг ҳақиқатда олинган қийматини (битим бўйича харажатларни ҳисобга олган ҳолда) қарзнинг сўндирилладиган суммаси ўртасидаги (салбий фарқ) дисконт суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банкнинг субординар қарзини тўлашда ва/ёки уларни кейинчалик қайта сотиш мақсадида сотиб олинганда, шунингдек амортизацияси вақтидаги дисконт суммалари ҳисобдан чиқарилади.

Таҳлилий ҳисоб субординар қарзнинг муддати ва турлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

у) «54210 — Чиқарилган бошқа қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар» баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 54222 баланс ҳисобварағи номи билан тўлдирилсин:

«54222 — Субординар қарз бўйича фоизли харажатлар».

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

836 «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари сақланадиган хоналарнинг муҳандислик-техник жиҳатдан мустаҳкамлиги ҳамда қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси воситалари билан жиҳозланишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
15 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2700-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2015 йил 10 июлдаги 118-сон «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари сақланадиган хоналарнинг муҳандислик-техник жиҳатдан мустаҳкамлиги ҳамда қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси воситалари билан жиҳозланишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2700, 2015 йил 23 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 29-сон, 392-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 6 октябрь,
276-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2018 йил
6 октябрдаги 276-сон буйруғига
ИЛОВА

«Идоравий ва спорт ўқотар қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари сақланадиган хоналарнинг муҳандислик-техник жиҳатдан мустаҳкамлиги ҳамда қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси воситалари билан жиҳозланишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. Буйруқ муқаддимасидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида»ги қарорига мувофиқ ҳамда» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ–5005-сон «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ, идоравий ва спорт ўқотар қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари сақланадиган хоналарнинг муҳандислик-техник жиҳатдан мустаҳкамлиги ҳамда қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси воситалари билан жиҳозланишиға қўйиладиган талабларни белгилайди.».

б) 2-банддаги «Миллий хавфсизлик хизмати» деган сўзлар «Давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси, Марказий банки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўздонмахсулот» АК, «Ўзэлтехсаноат» АК, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзшаробсаноат» АЖ, «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий

Кенгаши, Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси билан келишилган.

*Ўрмон хўжалиги давлат
қўмитаси раиси*

Н. БАКИРОВ

2018 йил 4 октябрь

*Жисмоний тарбия ва
спорт вазири*

Д. НАБИЕВ

2018 йил 20 сентябрь

Мудофаа вазири

А. АЗИЗОВ

2018 йил 21 сентябрь

*Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири*

Ш. САДИКОВ

2018 йил 21 сентябрь

Қурилиш вазири

А. ТУХТАЕВ

2018 йил 20 сентябрь

*Давлат геология ва минерал
ресурслар қўмитаси раиси*

Б. ИСЛАМОВ

2018 йил 20 сентябрь

*Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш давлат
қўмитаси раиси*

Б. КУЧКАРОВ

2018 йил 20 сентябрь

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат захираларини бошқариш
қўмитаси раиси*

М. КУРБАНОВ

2018 йил 24 сентябрь

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2018 йил 26 сентябрь

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
МАК бош директори*

Б. ХАКИМОВ

2018 йил 24 сентябрь

*«Ўзбекистон темир йўллари»
АЖ бошқаруви раисининг
биринчи ўринбосари*

Ф. САГДУЛЛАЕВ

2018 йил 24 сентябрь

*«Ўзкимёсаноат» АЖ
бошқаруви раиси*

А. АБДУЛЛАЕВ

2018 йил 25 сентябрь

*«Ўзбекэнерго» АЖ
бошқаруви раиси*

У. МУСТАФОЕВ

2018 йил 25 сентябрь

*«Ўздонмаҳсулот» АК
бошқаруви раиси*

Ф. ПУЛАТОВ

2018 йил 26 сентябрь

«Ўзэлтехсаноат» АК раиси

А. АБДУЛЛАЕВ

2018 йил 27 сентябрь

*«Ўзбекнефтгаз» АЖ
бошқаруви раиси*

А. СУЛТАНОВ

2018 йил 28 сентябрь

*«Ўзшаробсаноат» АЖ
бошқаруви раиси*

О. МУСТАФАЕВ

2018 йил 28 сентябрь

*«Навоий кон-металлургия
комбинати» ДК бош директори*

Қ. САНАҚУЛОВ

2018 йил 2 октябрь

*«Олмалиқ кон-металлургия
комбинати» АЖ бошқаруви раиси*

А. ФАРМАНОВ

2018 йил 19 сентябрь

*Ўзбекистон мудофаасига
кўмаклашувчи «Ватанпарвар»
ташкilotи Марказий
Кенгаши раиси*

Р. НИЯЗОВ

2018 йил 27 сентябрь

*Ўзбекистон овчи ва балиқчилар
спорт бирлашмаси раиси*

С. АЮПОВ

2018 йил 27 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

837 «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журналларини юритиш тартибига қўйиладиган ягона талабларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
15 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2702-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ–5379-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2015 йил 30 июндаги 105-сон «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журналларини юритиш тартибига қўйиладиган ягона талабларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2702, 2015 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 30-сон, 399-модда) иловаға мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 6 октябрь,
277-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2018 йил
6 октябрдаги 277-сон буйруғига
ИЛОВА

«Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журналларини юритиш тартибига қўйиладиган ягона талабларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. Буйруқ муқаддимасидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақидаги низомнинг 14-бандига мувофиқ ҳамда» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ягона талабларда:

а) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Ягона талаблар Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ–5005-сон «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журналларини юритиш тартибига қўйиладиган ягона талабларни белгилайди.».

б) 2-банддаги «Миллий хавфсизлик хизмати» деган сўзлар «Давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси, Марказий банки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўздонмахсулот» АК, «Ўзэлтехсаноат» АК, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзшаробсаноат» АЖ, «Навий конметаллургия комбинати» ДК, «Олмалиқ конметаллургия комбинати» АЖ, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Мар-

казий Кенгаши, Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси билан келишилган.

*Ўрмон хўжалиги давлат
қўмитаси раиси*

Н. БАКИРОВ

2018 йил 4 октябрь

*Жисмоний тарбия ва
спорт вазири*

Д. НАБИЕВ

2018 йил 20 сентябрь

Мудофаа вазири

А. АЗИЗОВ

2018 йил 21 сентябрь

*Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири*

Ш. САДИКОВ

2018 йил 21 сентябрь

*Давлат геология ва минерал
ресурслар қўмитаси раиси*

Б. ИСЛАМОВ

2018 йил 20 сентябрь

*Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш давлат
қўмитаси раиси*

Б. КУЧКАРОВ

2018 йил 20 сентябрь

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат захираларини бошқариш
қўмитаси раиси*

М. КУРБАНОВ

2018 йил 24 сентябрь

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2018 йил 26 сентябрь

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
МАК бош директори*

Б. ХАКИМОВ

2018 йил 24 сентябрь

*«Ўзбекистон темир йўллари»
АЖ бошқаруви раисининг
биринчи ўринбосари*

Ф. САГДУЛЛАЕВ

2018 йил 24 сентябрь

*«Ўзкимёсаноат» АЖ
бошқаруви раиси*

А. АБДУЛЛАЕВ

2018 йил 25 сентябрь

*«Ўзбекэнерго» АЖ
бошқаруви раиси*

У. МУСТАФОЕВ

2018 йил 25 сентябрь

*«Ўздонмахсулот» АК
бошқаруви раиси*

Ф. ПУЛАТОВ

2018 йил 26 сентябрь

«Ўзэлтехсаноат» АК раиси

А. АБДУЛЛАЕВ

2018 йил 27 сентябрь

*«Ўзбекнефтгаз» АЖ
бошқаруви раиси*

А. СУЛТАНОВ

2018 йил 28 сентябрь

*«Ўзшаробсаноат» АЖ
бошқаруви раиси*

О. МУСТАФАЕВ

2018 йил 28 сентябрь

*«Навоий кон-металлургия
комбинати» ДК бош директори*

Қ. САНАҚУЛОВ

2018 йил 2 октябрь

*«Олмалиқ кон-металлургия
комбинати» АЖ бошқаруви раиси*

А. ФАРМАНОВ

2018 йил 19 сентябрь

*Ўзбекистон мудофаасига
кўмаклашувчи «Ватанпарвар»
ташкilotи Марказий
Кенгаши раиси*

Р. НИЯЗОВ

2018 йил 27 сентябрь

*Ўзбекистон овчи ва балиқчилар
спорт бирлашмаси раиси*

С. АЮПОВ

2018 йил 27 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

838 «Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легал-
лаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кура-
шиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғриси-
да»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
15 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2020-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромад-
ларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш
тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил
23 майдаги ПФ-5446-сон «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадор-
лигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш меха-
низмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға му-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 ок-
тябрда эълон қилинган.

вофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 10, 39-сон «Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2020, 2009 йил 19 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 43-сон, 461-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 октябрь,
8-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи в. б.**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 октябрь,
43-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура
ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаментининг 2018 йил
15 октябрдаги 8, 43-сон қарорига
ИЛОВА

**«Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий
фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва
терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича
ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги
қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарорнинг муқаддимасидан «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сон «Молия-иқтисодий,

солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 147-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Қоидаларда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сон «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ давлат нотариал идоралар (бундан буён матнда — нотариал идоралар деб юритилади) ва адвокатлик тузилмалари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни ташкил қилиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.»;

б) 1-бандда:

ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**махсус ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти»;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«**пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхта-тиб қўйиш** — пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ўтказишни, конверсиялашни, тасарруф этишни ёхуд кўчиришни тақиқлаш;

оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган, оммавий қирғин қуролини тарқатишини олдини олишга қаратилган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциялари ҳамда бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган жисмоний ёки юридик шахс;

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган, террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевожита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс, шунингдек, террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкдаги ёки назорати остидаги юридик шахс;

Рўйхат — терроризмга, оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларидан тақдим этилаётган маълумотлар, шунингдек, чет давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотларидан расмий каналлар орқали тақдим этилаётган маълумотлар асосида

махсус ваколатли давлат органи томонидан тузилган террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхати;

операцияларни тўхтатиб туриш — мижознинг пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни кўчириш, конверсиялаш, ўзга шахсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш, шунингдек юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқномалари ижросини тўхтатиб туриш;

юқори мансабдор шахслар — чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув вазифаларни бажарадиган ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар.»;

в) 3-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга оид таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, хужжатлаштириш ва уларни камайтириш.»;

учинчи хатбоши «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлардан кейин «ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

г) 4-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бенефициар мулкдорларни идентификациялаш, уларнинг шахсини текшириш бўйича мумкин бўлган чора-тадбирлар қўллаш.»;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялар тўғрисидаги ахборотларни (хужжатларни) махсус ваколатли давлат органига ўз вақтида тақдим этиш;

Рўйхатга киритилган шахслар иштирокчиси бўлган операцияларни тўхтатиб туриш ва тўхтатиб турилган куннинг ўзида бундай операциялар ҳақида махсус ваколатли давлат органини хабардор қилиш.»;

ўн иккинчи хатбоши «баҳолаш» деган сўздан кейин «, хужжатлаштириш» деган сўз билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«юқори мансабдор шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари амалга ошираётган операцияларини чуқур мониторинг қилиш;

Рўйхат билан солиштириш орқали операция иштирокчилари орасида террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш.»;

д) 9-банднинг учинчи ва бешинчи хатбошиларидаги «Департаментга» ва «Департаментнинг» деган сўзлар тегишлича «махсус ваколатли давлат органига» ва «махсус ваколатли давлат органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 11-банднинг тўртинчи хатбошисидаги, 15 ва 26¹-бандлардаги, 27-банд-

нинг иккинчи хатбошисидаги, 28-банднинг биринчи хатбошисидаги, 29-банддаги, 30-банднинг биринчи хатбошисидаги, 31-банддаги ва 33-банднинг биринчи хатбошисидаги «Департаментга» деган сўз «махсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) қуйидаги мазмундаги 16²-банд билан тўлдирилсин:

«16². Мижозни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

тегишли ҳужжатлар асосида миждознинг ва у қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш;

миждознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш;

миждоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни уларнинг бундай миждоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиш ўтказиш.

Мижозни лозим даражада текшириш бўйича юқорида кўрсатиб ўтилган чораларни кўриш билан бирга, миждоз ёки бенефициар мулкдор сифатида қатнашаётган юқори мансабдор шахсларга нисбатан нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари операцияларни амалга оширувчи шахслар:

юқори мансабдор шахснинг мавқеи тўғрисидаги маълумотларни текшириш ва ўтказилаётган операциядаги пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк манбаларини аниқлаш бўйича оқилона чораларни кўриши;

юқори мансабдор шахс билан амалий иш муносабатларига фақатгина ташкилотларининг раҳбарияти рухсати билан киришиши;

амалий иш муносабатларини мониторинг қилиб боришлари лозим.»;

з) 23¹-банднинг учинчи хатбошисидаги «Департамент» деган сўз «махсус ваколатли давлат органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 23²-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатга киритилган шахслар ёхуд Рўйхатга киритилган шахснинг назоратидаги шахслар ёки Рўйхатга киритилган ташкилотнинг бевосита ёхуд билвосита мулкдори ёки назорат қилувчи шахслар.»;

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«юқори мансабдор шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари.»;

тўққизинчи хатбоши ўнинчи деб ҳисоблансин;

к) 23⁴-банднинг биринчи хатбошиси «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлардан кейин «ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

л) 26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари операцияларни амалга оширишда уларнинг иштирокчилари идентификация маълумотларини Рўйхат билан солиштиришлари шарт.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар кечиктирилмасдан ва олдиндан хабар қилинмасдан тўхтатилиши лозим, агарда: миждоз ёки операция қатнашчиларидан бирининг барча идентификация

маълумотлари Рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келса;

операция қатнашчиларидан бири Рўйхатга киритилган шахс номидан ёки унинг топшириғига биноан фаолият кўрсатаётган бўлса;

операцияни амалга оширишда фойдаланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк тўлиқ ёки қисман Рўйхатга киритилган шахсга тегишли бўлса;

операция қатнашчиси бўлган юридик шахс Рўйхатга киритилган жисмоний ёки юридик шахснинг мулкида ёки назорат остида бўлса.

Рўйхатга киритилган шахснинг операцияси тўхтатиб турилганда ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйилганда Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари ишга солмай тўхтатиб қўйилган мулкнинг миқдори кўрсатилган ҳолда бу ҳақда махсус ваколатли давлат органига шубҳали операция тўғрисида хабар юборишлари лозим.

Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари тўхтатилган операцияни ўтказишни тиклашни Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2833, 2016 йил 11 октябрь) белгиланган тартибда амалга оширади.»;

м) 33¹ ва 34-бандлардаги «Департамент» деган сўз «махсус ваколатли давлат органи» деган сўзларга ўзгартирилсин.

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

*Адвокатлар палатаси
раиси в. б.*

Ш. САДИҚОВ

2018 йил 15 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИНИНГ КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ
ИНСПЕКЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

839 Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида
якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2011-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 391-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2009 йил 4 сентябрдаги 39/ҚҚ ва 27/ҚҚ-сонли қарори (рўйхат рақами 2011, 2009 йил 6 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 443-модда) билан тасдиқланган Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Касб-хунар таълими
маркази директори**

М. ХОЛМУҲАМЕДОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 сентябрь
10/ққ-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 октябрда эълон қилинган.

**Таълим сифатини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғи****У. ТАШКЕНБАЕВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 17 сентябрь
7-мх-сон

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири****И. МАДЖИДОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 17 сентябрь
23-2018-сон

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
Касб-хунар таълими маркази, Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини
назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлигининг
2018 йил 17 сентябрдаги 10/ққ, 7-мх ва
23-2018-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида якуний
давлат аттестациясини ўтказиш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 9-банд иккинчи хатбошисидаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази» (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади)» деган сўзлар «Касб-хунар таълими маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Академик лицейларда муайян мутахассислик (таълим йўналиши) бўйича якуний аттестация синовларининг таркибий қисмлари ва уларни ўтказиш муддати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий ўқув режасига мувофиқ белгиланади.

Касб-хунар коллежларида муайян мутахассислик (таълим йўналиши) бўйича якуний аттестация синовларининг таркибий қисмлари ва уларни ўтказиш муддати Касб-хунар таълими маркази томонидан тасдиқланган намунавий ўқув режасига мувофиқ белгиланади.»

3. 19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. ДАК раиси якуний аттестация бошланишидан камида икки ҳафта олдин бир йил (календарь йил) муддатга ҳудудий касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғининг (вазирлик, идора ёки олий таълим муассасалари тасарруфидаги ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари учун шу вазир-

лик, идора ёки олий таълим муассасаси раҳбарининг), ДАК аъзолари эса, таълим муассасаси директорининг буйруғи билан тасдиқланади.».

4. 34-банддаги «Марказ» сўзи «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 25 август

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Ш. КУДБИЕВ

2018 йил 25 август

Маданият вазири

Б. САЙФУЛЛАЕВ

2018 йил 25 август

*Жисмоний тарбия ва
спорт вазири*

Д. НАБИЕВ

2018 йил 25 август

Қишлоқ хўжалик вазири

Б. ЮСУПОВ

2018 йил 25 август

Сув хўжалиги вазири

Ш. ХАМРОЕВ

2018 йил 25 август

*Ўзбекистон Бадий
академияси раиси*

А. НУРИДИНОВ

2018 йил 25 август

*Давлат солиқ қўмитаси раисининг
биринчи ўринбосари*

Б. МУСАЕВ

2018 йил 25 август

«Ўзбекистон темир
йўллари» АЖ раиси

А. РАМАТОВ

2018 йил 25 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

840 Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг
авиакорхоналаридаги ўқув юртларини сертификат-
лаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1881-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябр-
даги 692-сон «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат
қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қаро-
рига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлигининг 2008 йил 10 ноябрдаги 228-сон буйруғи
(рўйхат рақами 1881, 2008 йил 13 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун
ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 51-сон, 507-модда) билан тасдиқланган Ўзбе-
кистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиакорхоналаридаги ўқув
юртларини сертификатлаш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар
киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

Бошлиқ

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 2 октябрь,
123-н-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 ок-
тябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил
2 октябрдаги 123-н-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг
авиакорхоналаридаги ўқув юртларини сертификатлаш
қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Биринчи марта сертификатни олиш учун ариза «Дававианазорат» инспекциясига топширилади. Мазкур ариза «Дававианазорат» инспекцияси томонидан ўттиз иш кунидан ошмайдиган муддатда кўриб чиқилади.

«Дававианазорат» инспекциясига келиб тушган ариза ўша куннинг ўзида рўйхатдан ўтказилиши лозим. «Дававианазорат» инспекцияси аризага ариза рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли хужжат (белги) бериши, ариза электрон шаклда берилган тақдирда эса, ариза рўйхатдан ўтказилганлигини «Дававианазорат» инспекциясининг расмий веб-сайтидаги электрон хабарларга таяниб ёки қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа усул билан тасдиқлаши шарт.

«Дававианазорат» инспекциясида аризани рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.»

2. 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Ариза билан бирга тақдим этилган хужжатларни дастлабки баҳолаш натижалари салбий бўлганда, «Дававианазорат» инспекцияси томонидан камчиликларни бартараф этиш учун беш иш кунидан кам бўлмаган муддат берилади.»

3. 25-банднинг биринчи хатбошисидаги «икки ой» деган сўзлар «ўттиз иш куни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 38-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«38. Сертификатнинг амал қилиш муддатини бекор қилиш ёки уни тўхта-тиб қўйиш тўғрисидаги қарор «Дававианазорат» инспекцияси томонидан қабул қилинади ва бир иш кунидан кечиктирмай ёзма равишда ўқув юртига хабар берилади.»

5. 40-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«40. Сертификат ҳаракати тугатилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилгандан кейин ва камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ҳисобот тақдим этилгандан сўнг Сертификат ҳаракатини янгилаш тўғрисида «Дававианазорат» инспекциясининг қарори қабул қилинади. «Дававианазорат» инспекцияси тегишли қарор қабул қилинган кунидан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмай ёзма равишда буюртмачига бу ҳақда хабар беради.»

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 13 октябрдан 19 октябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 8 сентябрдаги 29/3-сон «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 15 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 773-37.

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 6 октябрдаги 276-сон «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари сақланадиган хоналарнинг муҳандислик-техник жихатдан мустаҳкамлиги ҳамда қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси воситалари билан жиҳозланишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 15 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2700-1.

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 6 октябрдаги 277-сон «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журналларини юритиш тартибига қўйиладиган ягона талабларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 15 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2702-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси ҳузурдаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 15 октябрдаги 8, 43-сон «Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қодаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 15 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2020-3.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Таълим си-

фатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 17 сентябрдаги 10/ққ, 7-мх, 23-2018-сон «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2011-3.

6. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2018 йил 2 октябрдаги 123-н-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиакорхоналаридаги ўқув юртларини сертификатлаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1881-2.